

81.911.2-420  
C 75

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

Қ. СОДИҚОВ

Илк ва ўрта асрлар туркий  
матнлари номларининг  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



FF0000011597

Тошкент - 2001



Мазкур луғатда илк ва ўрта асрларда яратилган туркий матилар асл номларининг изоҳи келтирилади.

Луғат манбашунослар, аспирант ва талабаларга мўлжалланган.

**Қ. СОДИҚОВ.** *Илк ва ўрта асрлар туркий матилари номларининг изоҳли луғати*

Масъул муҳаррир:  
Такризчилар:


Ўз ФА академиги **А. Рустамов**  
филология фанлари доктори  
**А. Эркинов**  
филология фанлари номзоди  
**М. Эшмуҳамедова**  
**А. Мамадалиев,**  
**С. Юсупова**

Тех. муҳаррирлар:

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг ўқув-услубий кенгаши нашрга тавсия этган (12.04.2001 йил баённо-маси, №4).

Босишга рухсат этилди.

Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Шартли б.т. 6,5. 200 нускада босилди. Буюртма . 3.  
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кичик босмаҳонаси  
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25



© Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2001 йил

## КИРИШ

Туркий матн тузиш анъанаси туркий ёзувлар тарихи, адабий тил ва ёзма услубининг шаклланиши ҳамда такомил билан боғлиқ ҳолда кечди. Унинг энг кўҳна намуналари Биринчи ва Иккинчи турк (кўк турк) хоқонлиқлари даврига мансуб. Туркий тилларнинг кейинги босқичида матн тузиш анъанаси янада такомиллашди. Муҳими шундаки, тил тарихида мазкур матиларнинг ўз номлари бўлган. Ушбу атамлар манбашунослик билан бир қаторда туркий атамашунослик тарихида ҳам муҳим ўрин тутади. Матнларда уларни номлаш учун қўлланган атамаларнинг айримлари ҳозир биз тарихий матнлар учун қўллаётган номлардан фарқ қилади. Шу боис ҳам матиларнинг ўз даврида қўлланган асл номларини ўрганишнинг аҳамияти каттадир.

Мазкур лугатни тузишдан мақсад илк ва ўрта асрларда туркий тилда битилган адабий, илмий, тарихий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги матиларнинг асл номларини жамлаб, уларни шарҳлашдир. Табиийки, ҳар бир матида унинг номи қайд этилавермаган. Шунинг учун асар муаллифлари ёки котиблар ўз матилари учун қўллаган номларгина лугатга киритилди.



## Матнлар тили

Илк ва ўрта асрларда туркий муҳитда яратилган матнларнинг тили кўпроқ туркийдadir.

Қадимги туркларнинг қўшни халқлар билан маданий, ижтимоий-сиёсий, диний алоқалари таъсирида икки, уч, ҳатто тўрт тилли матнлар ҳам яратилди. Булар туркий-суғдча, туркий-хитойча, туркий-суғдча-хитойча, ислом даврида эса туркий-арабча, туркий-форсча, туркий-арабча-форсча, туркий-мўғулча, туркий-арабча-форсча-мўғулчада битилган. Яна турк маданий муҳитида баъзи матнлар суғдча, арабча ёки форсийда ҳам ёзилган. Шу боис бу битигларни ўша тил эгаларигагина тегишли деб қарамаслик керак.

Туркий муҳитда суғд тилида битилган ёдгорликларнинг энг кўҳнаси Биринчи турк хоқонлиги даврида яшаб ўтган турк амалдори Махан тигин шарафига, тахминан, 583-588 йилларда тикланган Бугут битигтошидир. Битиг Мўғулистоннинг Архангай аймоғидан топилган. Тадқиқотчиларнинг тахминларига қараганда тошдаги ёзув асли икки тилда бўлган. Ҳозирги сақланиб қолгани - тошнинг кенг қисми ва икки тор биқинидаги матни суғдчадир. Тошнинг бошқа ёғи эса янча нураган. Унда ҳарф изларинигина илғаш мумкин, холос. Лекин ушбу бўлакдаги матн қай ёзув ё тилда бўлганини аниқлашнинг имкони йўқ. Айрим олимлар ушбу ёзув парчасини хитойча, баъзилар браҳма хатида бўлган дея фараз қилмоқдалар. Бу фаразлари, негадир, ҳақиқатдан йироқ кўринади. Эҳтимол, у суғдча матннинг туркий версияси бўлуви-да мумкин. Бунга асос ҳам бор: суғдча матида қайд этилишича, бу қабр тошини "турклар тиктирган" (қаранг: Исҳоқов 1989,39-40,132; тошнинг умумий тасвири қуйидаги китобда берилган: Sertkaya 1995,177).

Уч тилли ёдгорликлардан бири қадимги уйғур хоқонлигининг пойтахти Қорабалғасун ўрнидан топилган тош лавҳадир. У 825 йили тикланган. Матни - туркча,

хитойча ва сундча. Туркийси кўк турк хатида (расмига қаранг: Oghuz, 61; Serfkaya 1995, 192).

Сунд тили кўк турк (Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари), уйғур хоқонлиқлари, ҳатто Қорақўлилар замонида монументал мақсадларда кенг қўлланган. Бу ҳодиса ушбу турк диниат ва салтанат барода она тили билан баробар сундчага ҳам эътибор қаратишанидан далолат беради.

Қадимги турк муҳитида хитойчаси ҳам эътибор берилган. Бу кўк турк ҳамда уйғур хоқонлиқлари даврида яратилган айрим туркий ёдгорлиқларда хитойча матн ҳам ёзма-ён қўлланганида намоён бўлади. Чунончи, Иккинчи турк хоқонлиги даврида янаё ўтган муваррих ва ашб Йўллуғ тилининг ўз амақиси Кул тили (732 й.) ҳамда отаси Билга хоқон (735 й.) шарафига ёлган биттилари икки тилли (туркий ва хитойча). Асосий матн топ лавҳини юз томони, ён бағри, тарошланган қирраларида, хитойчаси эса тере томонда (расмига қаранг: Oghuz, 18-42).

Матн кўнгиллигини борасида, аниқси, туркий тилларга бағишланган лугат ва грамматикалар кўнборид мўлик. Чунончи, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лугати турк" асари араб тилида ёзилган. Асарнинг лугат қисмидаги сўз мақолалар, ушбу сўзлар маъносини изохдан учун келтирилган нборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар, шеърий нарчалар, грамматика қисмидаги муайин қондалар тасдиқи учун берилган мисоллар туркийдадир.

Кўн тилли (уч ёки тўрт тилли) лугатлар ҳам бор. Масалан, Маҳмуд Замахшарий "Муқаддамату-л-адаб"нинг лугат бўлими мавжуд кўлёмаларда икки, уч ё тўрт тилда берилган. Икки тилли нуехаларда арабча сўзлик фореча ё туркий; уч тилли нуехаларда фореча ва туркий; тўрт тилли нуехаларда эса фореча, туркий ва мўулча таржимаси билан келтирилган.

Туркий матнавислик тарихида диний-фалсафий, адабий матналарнинг ҳам икки ё уч тилда битилган кўлёмалари кенг тарқалган. Жумладан, Берлин кўлёмалар

фондининг Турфондан топилган ёдгорликлар коллекциясида бир қанча суғдча матилар сақланмоқда. Бири монийлик тавбаномаси "Хуастуанифт"нинг парчасидир. Муҳими шундаки, суғд ёзувли мазкур узиндининг муайян қисми туркий таржимада. Таржимаси сатрма-сатр суғдча версия тагида келтирилган (Исхаков 1992,28). Табиийки, ушбу таржима турк монийчиларга мўлжалланган эди.

Ислём даври матнавислигида мусулмон дунёсини бирлаштирувчи маънавият, минтақа адабиёти ва маданиятининг ўзаро таъсири оқибатида бу анъана янада такомил топди. Ана шу муҳитда яратилган матилар анчагина. Масалан, Британ музейида сақланаётган *Or.8193* рақамли қўлёзмада саҳифа ўртасида уйғур ҳарfli туркий мати битилган. Бу "Сирожу-л-қулуб", "Масъала китоби", "Роҳату-л-қулуб" асарлари, Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" достони, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг шеърлари ва айрим тўртликлардир. Ҳошиясидан эса Камол Исмоил Исфahoнийнинг форсий девони ўрин олган.

Қўлёзмаларнинг уч тиллилари ҳам бор. Масалан, Истанбулдаги Миллат кутубхонасида 86- рақам билан арабча тафсир сақланмоқда. У. Сарткаянинг ёзишича, ушбу тафсирнинг ҳошиясига форсча ва туркий асарлар битилган. Улардан бири Хўжандий "Латофатнома"сидир. Ундан сўнг *Муҳаббатнома:ма-и турки: сарлавҳаси билан Хоразмий асари битилган. Мазкур асар ҳам ҳошияда (Sertkaya 1972,4; levha I-IX).*

Яна бир мисол. Навоий "Арбаин"ининг мавжуд нусхаларидан баъзилари Жомийнинг "Арбаин" асари билан бирга кўчирилган. Бири Ўз ФА Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон фондидаги 106-IV рақамли қўлёзмадир. Қўлёзмага икков ижодкор қаламига мансуб "Арбаин"лар кирган. Унда бошлаб иккала асарга асос бўлган арабча ҳадис, сўнг шу ҳадис мазмунидан келиб чиқиб ёзилган Жомийнинг форсча ва Навоийнинг туркий тўртлиги келтирилади.

Эътиборга лойиқ хусусияти шундаки, айрим асарларнинг тузилишидан келиб чиқиб, матнинг баъзи парчалари арабча ё форсчада берилган.

Туркий адабиётда икки тилда асар ёзиш анъанаси ҳам шаклланган эди. Масалан, Хоразмий ўз "Муҳаббатнома"сининг муайян бўлимларини (айрим номаларни) форсийда битган. Ёки Заҳириддин Бобур "Бобурнома" асарида, ўрни билан, форсча мақол ва байтлардан келтиради. Бу анъанани ўша давр тазкираларида яхши кузатса бўлади. Алишер Навоий "Мажолисун-нафоис"да ўз замонасининг форсий тилда ижод этган шоирлари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг шеърларини форсийда келтиради ва байтларнинг туркий изоҳига зарурат ҳам сезмайди. Ёки бунинг аксини Ҳасанхожа Нисорийнинг форсча "Музақкири аҳбоб" тазкирасида кузатамиз. Муаллиф тазкирада туркигўй шоирлар ҳақида маълумот берар экан, уларнинг туркча байтларидан мисол беради. Табиийки, муаллифлар Мовароуннаҳр, Хуросон маданий муҳитида туркларнинг форсчани бемалол тушуна олишларини назарда тутганлар. Умуман, иккитиллилиқ ушбу минтақада устивор эди. Матнависелигимиз тарихида бу анъана XIX асарнинг охирига қадар давом этди.

### Матилар ёзуви

Илк ва ўрта асрларнинг туркий матилари кўк турк, уйғур, суғд, моний, браҳма, сурёний, араб алифболарида битилган. XVI асрда қишчоқ (куман, половец) тилида яратилган матилар армани хатида.

Кўк турк (=урхун-енисей~туркий руи) хати. Туркий халқларнинг энг қадимги ёзуви бўлиб, унинг илдизи мелоддан бурунги даврларга илдиз отган. Мазкур ёзув кўк турк (VI-VIII асрлар) ва уйғур хоқонлиқлари (IX аср) даврида кенг қўлланилган. X асрда ҳам турклар ундан фойдаландилар.

Кўк турк ёдгорликларининг энг йириклари ўша даврларда янаб ўтган турк хоқон ва амалдорлари хотирасига ўрнатилган қабр тошларидир. Шунингдек, олтин, қумуш,

сувук, ёгон, сопол буюмлар, ҳатто қоғога ёзилган ёдгорликлар ҳам сақланган. Ёдгорликлар топишган ўрнига кўра қуйидаги туруҳларга бўлинад:

1. Мўълис тондан топишган битиглар.
2. Сибирдан (Енисей, Лена дарёларининг бўйлари, Олтой ўлкасидан) топишган битиглар.
3. Шарқий Туркистонда (Турфон ва Дунхуандан) топишган ёдгорликлар.
4. Ўрта Осиё (Талас ва Фарғона vodiysi)дан топишган ёдгорликлар.
5. Қозонистон худудидан чиққан ёдгорликлар.
6. Шарқий Европа (Дунай бўйлари)дан топишган ёдгорликлар.

Уйғур хати. Мазкур ёзув ўз асосини суғд хатидан олади. Ёзма манбалар унинг VI асрда шаклланишидан далилат бермоқда.

X асрда Қорахонийлар давлатида ислом дини расман қабул қилинган, турклар араб ёзувини ҳам қўллаш бошладилар. Лекин араб хати қадимги туркий ёзувини бутунлай сиқиб чиқара олмади. Ўрта Осиёда уйғур хати XV асрнинг охиригача қадар араб хати билан ёзма-ён қўлланилди. Турфонлик буддий турклар оёса XVIII асрда ҳам ундан фойдаландилар. Диққатга молик ери шундаки, уйғур хати ўз тарихи давомида, ҳатто араб хати билан ёзма-ён қўлланган чоғларда ҳам, турк давлат ва сийтанатларининг асосий ёзуви бўлиб келди. Қорахонийлар давлатида, Олтин Ўрда, Темурийлар давлатида ҳам уйғур хати етакчи эди. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда қадимги туркий ёзув анъанаси давом этибгина қолмай, уйғур китобот-хаттотлик санъати беқиёс гуллаб яшнади. Яън. Хероф, Самарқанд маданий марказларида уйғур хатида битириш котиб (бахши)ларининг мактаблари ҳам вужудга келди.

Уйғур хати араб хати билан тенгма-тег қўлланган кезларда асосан ҳар икки ёзувда битилди. Шунинг учун бу даврдаги сақланган асарларнинг айрим нусхалари уйғур

хатида бўлса, бошқа бирлари араб хатида. Баъзи қўлёзмаларда эса иккала ёзув аралаш қўлланилган.

**Сугд хати.** Мазкур ёзув сугд тили учун қўлланилган. Шунингдек, турклар ҳам баъзан туркий матиларни битишда ундан фойдаландилар.

**Моний хати.** Ушбу ёзув монийчи турк жамоаларида амал қилган. Фанда моний хатида битилган шеъринг узундигар, монийчиларнинг тавбаномаси "Хуастуанифи" маълум.

**Брахма хати.** Бу ёзувдан турк будда жамоалари фойдаландилар. Бироқ бу жамоа орасида ҳам уйғур хати кенг енгилгани боис брахма хатидаги туркий матиларнинг соани ол.

**Сурёний хати.** Бу ёзув насрошій турклар орасида ёйилган. Сурёний хатида XIII-XIV асрларда битилган қабристон ёзувлари сақланиб қолган.

**Араб хати.** X асрдан бошлаб туркий халқлар уйғур хати билан баробар араб ёзувидан ҳам фойдалана бошладилар. Бунга қадар араб хатининг туркий тил учун қўлланиганини тасдиқловчи манба йўқ. Бироқ, таъкидлаш жоиз, Ўрта Осиёда IX асрда ҳам араб хатида битилган манбалар учрайди. Лекин уларнинг тили арабча ва форсчадир. Араб ёзуви туркий матилар илк бор Қорахонийлар даврида зарб этилган ташгаларда кузатилади. Туркий тилдаги китоблар, турки матилар эса XI аср ва кейинги юзйилликларга мансуб.

**Лотин хати.** Бунга туркшупосликда Codex Sumanikus номи билан юритилувчи асарни мисол келтириши мумкин. Codex Sumanikus 1303 йили италий ва немис миссионерлари томонидан лотин алифбосида ёзилган. У лотинча-форсча-қичқоқча (куманча) луғат, қисқа грамматика, насихат ва дуо нарчаларидан тузилган. Ундаги туркий (қичқоқча) мисоллар ҳам лотин хатидадир.

**Арман хатидаги қичқоқ тили матилар.** XV асрнинг охири - XVII асрларда қичқоқлар билан аралаш яшаган ва уларнинг маданий-сиёсий таъсирига берилган арман жамоалари баъзан қичқоқ тилида ҳам асарлар битган. Булардан бизгача турли ҳужжатлар, суд баённоmaları, уша лар



хроникаларидан сақланиб қолган. Мазкур матнлар Codex Sistanicus тилига яқин бир тилда (яъни қичоқчада) бўлиб, армани хатидадир (қаранг: Грушин 1967).

### Луғатнинг тузилиши ҳақида

Луғатнинг умумий тузилиш принципи шундай: уни икки бўлимга ажратиш мумкин. Биринчи бўлимда атамалар алифбо тартибда эмас, матн хилларига кўра ажратилган. Масалан, шеърлар, достонлар, панду насихат ва мақоллар, қасида ва бағишловлар, битигтошлар, ҳуқуқий матнлар ва мактублар каби. Бунда матннинг икки жиҳати эътиборга олинди: мастақил матнлар ва уларнинг қисмлари. Дастлаб матн турларининг, сўнгра матн қисмларининг номлари изоҳланди. Масалан, матншуносликда йирик ҳажмли достон ёки рисола ҳам ўзича мустақил матн саналади, кичик ҳажмли рубоий ҳам. Шунга кўра уларнинг таърифи луғатда алоҳида келтирилади. Матн қисмлари деганда, мустақил матннинг таркибий бўлаклари назарда тутилди ҳамда уларнинг номлари изоҳланди. Масалан, *ба:б, ха:тима* ва б.

Луғатда атамаларнинг алифбо тартибдаги кўрсаткичи алоҳида - сўнги бўлимда келтирилди. Бунда атамалар матн ёки унинг қисмларини англатишидан қатъи назар, ягона алифбо тартибига солинган.

Атамаларнинг берилиш тартиби қуйидагича: дастлаб матн номи йирик ҳарфларда берилади. Қавсда унинг тарихий асоси (асли туркий ёки қай тилдан ўзланганлиги, ўша тилдаги транскрипцион шакли) келтирилади. Сўнгра у шарҳланади, ушбу атаманинг матида учрашига мисол берилиб, ўша матннинг коди (шартли қисқартмаси) берилди. Масалан:

КАВИ (<анат. *kavya*) - эпос, достон, эпик асар.

"Сюань-цзан кечмиши" асарининг қадимги туркий версиясида таржимон Шингқу Шели тутунг мазкур асарни *кави ном битиг* деб қайд этган: *Бодисатв тайто самтсо ачариньинг йоруғын укытмақ атлығ тси-ин-чун тигмә кави ном битиг*. Бишинч улуш тугәди - Бўдисатв

тайтў самтсў ачари [яъни Сюань-цзан]нинг йўруғ-кечмиши ҳақидаги "Тси-ин-чун" отли кави [яъни эпик] нўм битиг. Бешинчи бўлим тугади (СЦ, V.87).

Тарихан турли фонетик вариантларда учрайдиган атамалар тўлқинсимон ишорат билан ёнма-ён келтирилди. Масалан: ТУЙУҚ~ТУЙУФ, ТАҚШУТ~ТАРШУТ каби.

□ белгиси "қуйидаги атама ҳам айни мазмунда" деган маънони билдиради. Масалан:

КИТА:Б (<ар. *kita:b*) - китоб, асар.

□ = битиг (2).

◆ белгиси "қуйидаги атамалар ҳам шундан ясалган" деган маънони билдиради. Масалан:

ХАТ (<ар. *hat*; кўплиги: *хутут* <ар. *huti:t*) - 1) хат, ёзув, мати; 2) ёзув тури; 3) мактуб.

◆ *хатт-и хума:йун* - подишоҳнинг қўлёзмаси, подишоҳнинг амри.

Матнлардан олинган мисоллар транскрипцияда берилди. Техник ўнғайсизликлар боис ишда арабча ва фореча сўзларни асл хатида беришнинг имкони бўлмади. Шунинг учун бундай ўринда ҳам транскрипциядан фойдаланилди.



## А. Матн турларининг номлари

Ёзув, матн турларини англатувчи атамалар

**ХАТ** (<ар. *hat*; кўлини: *хутут* <ар. *hutu:t*) - 1) хат, ёзув, матн; 2) ёзув тури; 3) мактуб.

*Хат* атамаси "ёзув" маъносини англатади. "Қутагду билиш"дан олинган ушбу сатрларга эътибор берайлик:

*Битигчи билиглиг уқушлуғ кэрәк,*

*Хаты уз балагат тақы эдгурәк.*

(Котиб билимли, заковатли (бўлуви) керак,

Хати чиройли, сўзамол, яна эзгу бўлуви керак)  
(ҚБВ, 101а).

*Битигдә хат уз болса ачлур кбигул.*

(Мактубининг ёзуви чиройли бўлса, кўнгил очилади)  
(ҚБВ, 101а).

*Хат* атамаси алифбо турини ҳам билдирган: *хатт-и ба:бури*: *хатт-и сыгнақи*. Ушбу атамалар "Абушқа" лугатида қайд этилган. Луғат муаллифи *сыгнақ* сўзини нозхлар экан, унинг муайян алифбо эканлиги, Заҳриддин Бобур ўз ғазалларининг бирида уни тилга олганини таъкидлайди ва ўша байтни мисол келтиради. Мана луғатнависнинг ёзганлари: *Сыгнақ бир нав' хат-дур, Чыгатайда хатт-и ба:бури: ва гайри киби-кэ Ба:бур Мирта: аша:рында кэлур. Байт:*

*Хублар хатты насобынг болмаса, Ба:бур, нэ танг,*

*Ба:бури: хаты эмәсдур, хатт-и сыгнақи:мудур*  
(ДДГ, 278).

*Хатт-и ба:бури*: атамаси "Бобурнома"да ҳам қайд этилган. Бобур ушбу алифбони бир неча жойда тилга олади. Чунинчи, муаллиф, 909 (1503-1504) йил воқсаларини баён этар экан, ўша кезлар "бобурий хатт"ни кифф этганлигини таъкидлайди: *Ушбу маҳалларда ба:бури: хатны ихтира:*' қылдым (БН, 132).

XVII асрда янаб ўтган тарихнавис Муҳаммад Тохир ибн Қосимнинг "Ажойиб ат-табоқат" китобида ҳам Бо-

буриинг ушбу ёзуви ҳақида маълумот бор. Асарнинг сўнги бобида муаллиф турли даврда кашф этилган ёзувлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг алифбосини келтирилади. Шулар қатори *Хатт-и бабури: шаст* сарлавҳаси билан бобурий хатининг алифбосини ҳам берган.

Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга битган бир мактубида унга битган мактул, токай ўтут бериб, хатни насталиқда уқтиради. Бу борада туркча хат анча мураккаб эканлигини таъкидлайди: *Туркча хат билә худ асла: битилмасәки, бу бабда дағы қавлә бар. Мазкур жумладаги туркча хат бирикмаси "уйғур хати, ёзуви" маъносида келган.*

"Ёзув, хат" маъносида хатнинг кўпчилиги хутут ҳам қўлланган. Навоий "Маҷолис-и-нафис"да Ғарибий тахаллусини тутган Муҳаммад Али ҳақида маълумот берар экан, унинг хулқ-атвори, фазилатларини таърифлаб, хутутни хоб битир эрди деб ёзади (МН,60). Бунинг билан Навоий ушбу шахс ҳақида "хатни чиройли битар эди; ёзуви нафис эди" демоқдан.

Мазкур сўз "мактуб" маъносида ҳам келади. Масалан, Юсуф Ҳос Ҳожиб қаторда хат сўзини ҳам ушбу маънода битиг билан бир қўллаган: *Тугатти битиг туркчи бады қатығ, Қалам йузти қозтти қурытты хатығ.*

(Мактубини тугатди) ўради, қаттиқ боғлади, Қаламинни ювди, қўйдим, хатни қуритди) (ҚБ,3854).

◆ *хатт-и хума:йул* - подишоҳнинг қўлёзмаси, подишоҳнинг амри.

□ *хат (1) = битиг* (1); *хат (3) = битиг (3), мактуб, нама, руқ'а, ниша:ма, ина:йатна:ма.* *инша:, арзада:шт, ина:йат,*

САБ~САВ. Мазкур сўзнинг маъноси бир қанча. 1. "Сўз; гап" маъносини билдиради: *Ол сабығ ашидин тун удысықым кәлмәди, кундуз олурсықым кәлмәди* - Ушганни эшитиб, тун ухладим келмади, кундуз ўтиргим келмади (Тўн,12). 2. Нуқс, мувожаат; ёрлиқ. Билга хоқон хотирасига ўрнатилган қабр тошига хоқоннинг бутун турк

улуси, келгуси авлодга мурожаати битилган. Матнда хоқоннинг айни мурожаати *саб* деб қайд этилган. Чунончи, матн *Тангри-тӓг Танери йаратмыш турук Билгӓ қаган сабым* (Кўкдай улуғвор Тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим) дея бошланади (X,1). Матн давомидан хоқоннинг *сабы* (сўзи) ўрин олган. Матн хотимасида асар муаллифи Йўллуғ тигиннинг ҳам ёрлиғи келтирилган. Бу ёрлиқ ҳам хоқоннинг юқоридаги унвои (*Тангри-тӓг Тангри йаратмыш турук Билгӓ қаган сабым*) билан бошланади (Xa,13). Ўрта асрларда яратилган туркий ёрлиқларнинг унвоида қадимги *сау* ўринида *сӓз* атамаси келади. У ҳам *сау* сингари "мурожаат, фармон; хошнинг сўзи" маъноларини ифодалаган. 3. *сау* сўзи "хабар" маъносини ҳам англатган: *Йырақ йэр сауын арқын кӓлдурур* - Узоқ ер хабарини карвон келтиради (МК, I.122). 4. Овоза, довруғ: *Қыз киши сауы йорығлы болмас* - Бахил кишининг овозаси чиқмайди (МК, I.315). 5. "Мақол" маъносини билдирган (МК, III.168). Айни маънода *сау* атамаси *сӓз* шаклида ҳам қўлланган: *Бағырсақ кишининг сӓзи тут сауы* - Меҳрибон кишининг сўзи-нақллариини тутгин (ҚБ, 1343). Ёлғорликларда *от сау*, *от сау ириг* шаклларида келиб, "насихат, панд-ўтут" маъносини англатади:

*Нӓку тӓр эшиткил билиг бӓргучи,*

*Бағырсақ бу от сау ириг бӓргучи*

(Ғаълим бергучи нима дейди, эшитгин,

Меҳрибон, бу ўтут, ҳикмат, насихатларни бергучи)

(ҚББ, 2186).

6. "Рисола"ни билдирган (МК, III.168). 7. "Ҳикоя; қисса"ни ҳам англатган (МК, III.168).

Қадимги туркий тилда *сау* сўзидан ( унинг "хабар" маъносидан) *саучы* сўзи ясалган. *Саучы* ёлғорликларда икки маънода: 1) пайғамбар, Тангрининг элчиси; 2) совчи, қуда-андаликни ўрнатувчи (қаранг: МК, III.445). Ҳозирги ўзбекчадаги *совчи* ҳам қадимги *сау* сўзидан.

□ *сау* (5) = *масал* ~ *амсал*; *сӓз* (3): *ауычғи сӓзи*; *мава'из* ~ *мува'из*; *мава'из масал*.

СӨЗ. Мазкур калиманинг маънолари: 1. Сўз, лафз, тилнинг муайян тушунча англатувчи бирлиги. 2. Гап, фикр англатувчи birlik:

*Билип сўзләсә сўз билигкә санур,  
Билигсиз сўзи өз башини йэйур*  
(Сўзни билиб сўзласа, донолик саналади,  
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди) (ҚБВ, 136).

3. Ҳикмат, панд-насихат:

*Адиб Аҳмад атым, адаб панд сўзум,  
Сўзум мунда қалур, барур бу сўзум* (XX, 235).

Ушбу байтнинг иккинчи мисрасидаги сўз - "ҳикмат, панд-насихат" маъносидадир.

"Қутадағу билиг"нинг қуйидаги сатрларида ҳам сўз - "насихат, ўгут" маъносини англатган:

*Кумуш ишкә тутса, тугәр алқынур,  
Сўзум ишкә тутса, кумуш қазғанур.*  
(Кумушни ишга солсанг тугайди, олқинади,  
Сўзимни ишга тутсанг, кумуш қозанади) (ҚБВ, 14а).

Матиларда бу сўз *авычға сўзи* (қария сўзи), *кэчки сўз* (эски таъбир), *қумару сўз* (ёдгорлик сўз) шаклларида ҳам қўлланиб, "ҳикмат, мақол, оталар сўзи" маъносини билдиради. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадағу билиг" асарига: *авычға сўзи* (қария сўзи) "мақол" маъносида: *Нэку тэр эшиткил авычға сўзи* - Эшиткил, бу хусусда мақолда нима дейилган (ДТС, 70). Мазкур асардан олинган бошқа бир мисол:

*Эди кэчки сўз-ол масалда кэлир,  
Ата орны, аты оғулқа қалыр.*

(Масалда келадиган жуда эски таъбир бор:

Отанинг ўрни (ва) оти ўғилга қолади) (ҚБВ, 11а).

4. Ўрта аср ёрлиқларида, хон мактубларининг унвоини (бошламаси)да мазкур сўз "ёрлиқ, мурожаат, фармон" маъноларини билдирган. Жумладан, 1393 йили Олтин Ўрда хони Тўхтамышнинг поляк қуроли Ягайлига уйғур хатида йўллаган ёрлиғи *Тохтамыш сўзум Нагайлитт* деб бошланади. Хон Темур қутлуғнинг 1397 йили уйғур на араб ёзувларида битилган ёрлиғи *Темур Қутағу сўзум*

шаклидаги унвоц билан бошланади (Содиқов 1997,85-86). Ёки Шохруҳ Мирзонинг 1422 йили уйғур хатида ёздириган суюргал битиги *Ша:хруҳ Баха:дур сөзум*, Умаршайх Мирзонинг марғилонлик Мир Сайид Аҳмад отли кишига берган гувоҳномаси (нишони) *Султан Умаршайх Баха:дур сөзум* деб бошланади. Султон Абу Саиднинг Ҳасан бекга 1468 йили уйғур ва араб ёзувларида ёздириб йўллаган васиқасининг бошламаси *Султан Абу Саид курга:н сөзум* кўринишидадир (қаранг: Содиқов, ўша китоб, 87-90- б.).

5. Муайян матнини аңлатган. Жумладан, Британ музейида сақланаётган Ог.8193 сонли уйғур ёзувли мажмуада йирик асарлар билан бир қаторда мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ғазалларидан намуналар келтирилган. Ушбу ғазалларнинг бошига муаллифларнинг исми ёзиб қўйилган. Муҳими, ғазалларнинг баъзилари *сөз* деб аталган: *Лутфи: сөзи*, *Қасим сөзи* каби. Бу сарлавҳалар "Лутфий ғазали", "Қасим ғазали" маъноларини аңлатади (қаранг: ТҒҒ,136,144).

**БИТИГ** (<*бити+г*; *бити-* "ёз-" феълидан). Ушбу сўз қуйидаги маъноларни аңлатади: 1) ёзув, матн; 2) китоб, асар; 3) хат, мактуб. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Қутадғу билиг" асарини *битиг* деб қайд этади: *Сөзум сөзләдим мэн, битидим битиг* - Мен сўзларимни сўзладим, битиг битидим (ҚБ,345). Бу атама барча бадий, диний-фалсафий асарлар учун ҳам қўлланган; 3) хат, мактуб. Жумладан, айни маънода "Қутадғу билиг"да: *Чықарды атасы битигин оғул* - Ўғил отасининг мактубини чықарди (ҚБ,1534); *Элиг алды ачты оқыды битиг* - Элиг олди, хатни очди, ўқиди (ҚБ,1535). Мазкур асардан яна бир мисол:

*Битигуилә алды бу кағаз, битиг,*

*Байат аты бирлә битиди битиг.*

(Сиёҳдон билан ёзув қоғози олди, худо номи билан [яъни бисмиллоҳ деб] хат ёза бошлади) (ҚБ,1327).

Асарда шундан кейин ушбу хат (васиятнома)нинг тўлиқ матни ҳам берилган. 4) дастхат: *анынг битиги бэлгүлүг* - унинг хати маълум (МК,1.365-366). 5) тумор.

Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидича, ўғузлар туморни ҳам битиг деганлар (МК, I.366).

Қаранг: битигташ; башбитиг; нирван битиг; ном битиг; шастар битиг; қумару битиг.

□ битиг (3): битиг сала:м. Олтин Ўрда хоши Улуғ Муҳаммаднинг иккинчи Муродга 1428 йилнинг 14 март кунин йўллаган мактубида ушбу нома битиг сала:м деб қайд этилган: Битиг сала:м ыйдуқ - хат йўлладик (Kurat 1940, 11).

□ битиг (2) = кита:б; битиг (3) = мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, ишша:, арзида:шт, ина:йат, ина:йатна:ма, хат.



КИТА:Б (<ар. *kita:b*) - китоб, асар.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини кита:б деб атайди: Кита:б аты урдум Қутадғу билиг - Китобга [яъни асарга] "Қутадғу билиг" деб от қўйдим (ҚБ, 344).

Кита:б сўзи асар номларига ҳам қўшиб айтилган. Жумладан, "Ҳибату-л-ҳақайиқ"нинг уйғур ёзувли А нуҳ-хасида асарга 'Атабату-л-ҳақайиқ кита:бы деб сарлавҳа қўйилган. Британ музейида сақланаётган Ог.8193 рақамли мажмуа таркибидаги Хоразмий "Муҳаббатнома"сига Муҳаббатна:ма кита:бы деб сарлавҳа берилган. Якунига эса Тамам болды Муҳаббатна:ма кита:бы деб ёзиб қўйилган. Ёки айни кўлёзмага битилган "Сирожу-л-қулуб" асарининг якунига Тамам болды Сира:жу-л-қулуб" кита:бы деб қайд этилган (СҚ, 1296).

Кита:б сўзи, баъзан, "асарнинг бўлими, боби"ни ҳам билдирган. Масалан, Заҳириддин Бобур "Мубаййин" асарини беш бўлимга ажратади ва уларнинг ҳар бирини кита:б деб номлайди. Илк бўлими - Э'тиқа:диййа, кейингилари - Кита:бу-е-сала:т; Кита:бу-з-зака:т; Кита:бу-е-саам; Кита:бу-л-ҳаж (қаранг: Мубай.).

□ = битиг (2).



3538



## Шеърлар

**КОГ~КУГ.** (Чоғиштиринг: хитой. *khuog*). Мазкур сўз куйидаги маъноларни англатган: 1) шеър, шеър тури, шеърлий ўлчов, назм; 2) куй, оҳанг.

Навоний "Муҳокамату-л-луғатайн"да куй маъноли туркий сўзлар хусусида фикр юритиб, *көк* лафзи ҳақида ёзади: *Ва көк лафзын ҳам неча маъна; билә истә маъла қылулар. Бири көк - а:сма:нны дәрләр, йана көк а:ҳангдур, йана көк тикәрда<sup>1</sup> көкләмәкдур, йана көк қадағны ҳам дәрләр, йана көк сабза ва сәнәғни дағи дәрләр* (ML, 174-175). Ушбу мисолда Навоний куйидаги омоним сўзларни назарда тутмоқда: I. *көк* - "осмон"; II. *көк* - "оҳанг"; III. *көк* - "кўкляб тикиш"; IV. *көк* - "қадағ"; V. *көк* - "сабза ва ўланг".

Эътибор берилса, қайд этилган омонимлардан II сўз "оҳанг, куй" маъносини ифодаламоқда. Ушбу сўз маъноси Навоний асарлари бўйича тузилган луғатларда ҳам ёритилган. Жумладан, "Абушқа" луғатида *көк* сўзи наундан ясалган *көкла-* // *көктә-* феъллига кенг изоҳ берилади. Китобда муаллиф *көкла-* феъллининг маъноси ҳақида шундай ёзади: *Көклә - ка:флар ка:ф-и 'араби:дур. Амр эдун са:з чал ма'на:сынадур-ки, "Маҳзан Мир Хайдар"да кэлур-ки, байт:*

*Турк сурудыны тузук бирлә туз,*

*Йахшы айалғу билә көклә қобуз.*

*Ва йана "Ғаройибу-с-сиғар"да кэлур-ки, байт:*

*Дәдим тара:на-йи ҳа:л йахшы, мутриба: сэн худ,*

*Фира:қ са:зы тузун алурур көкин чалдынг.*

*Көк әлдурмәк вазныда ва а:ҳангыда чалдук дәмәкдур*  
(DDT, 369).

Китобда муаллиф ушбу феъллининг *көктә-* вариантини ҳам айри ўринда изоҳлаган. Бунинг маъноси хусусида ҳам "бу даҳы амр эдун чал дәмәкдур" деб таъкидлайди. Сўнг "Ғаройибу-с-сиғар"дан бир байт ҳамда "Муҳокамату-л-

<sup>1</sup> Асарнинг Тошкент нашрида бу сўз *тегради* деб ўқилган (ML, 113).

луғатайн "да Нава:йи: ҳазратлары бу луғатны бир нэчә ма'на:йа тасъих этмишлар" деб Навоийнинг ўша рисо-ласида *көк* нинг маънолари ҳақида ёзганларини мисол қилиб келтиради (ўша китоб, 369-370).

Луғатда *көк* сўзи ҳам "бу дахы саз чалмақ маъна:сынадур" деб изоҳланиб, унга мисоллар берилган (ўша китоб, 369).

Мавлоно Лутфийнинг қаламига мансуб қуйидаги туюқди ҳам айни маъно мужассам:

*Туз, бэгим, бу дамда суҳбат көкини,  
Тут айақ, кэс дард-у ғамның көкини.  
Илгингдин гар кэлсә башқа тут айақ,  
Көзгә илмән дуийа:нинг йэр-көкини.*

Биринчи мисрадаги *көк*- "авж" маъносида (*суҳбат* *көки* - "суҳбатнинг ёқимлиси, дил тортувчи суҳбат"), ик-кинчи мисрадаги *көк* - илдиз, сўнгги сатрдаги *көк* эса "осмон" дир.

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарида Навоий қайд этган "оҳанг" маъносидаги *көк* сўзи *көг* (ёки *куг*) шаклида, "осмон" маъносидаги сўз эса *көк* шаклида қўлланган. Бундай хулоса қилишимизнинг сабаби қуйидагича: Маҳмуд Кошғарий "шеърнинг вазни, ўлчови" маъносидаги *көг* ни изоҳлар экан, унинг "юмшоқ коф (яъни жарангли [г]) билан" талаффуз этилганини таъкидлайди (МК, III.144). "Осмон, кўк" маъносидаги сўзни эса "қаттиқ коф (яъни жарангсиз [к]) билан" талаффуз қилинган (*көк*) дея қайд этади (МК, III.146). "Муҳокамату-л-луғатайн"да ушбу сўз *көг* ёки *куг* эмас, айнан *көк* шаклида қўлланган, деётганимизнинг боиси Навоий уни "осмон; тикарда кўкламак; қадоғ; сабза ва ўлаиғ" маъноларини англатувчи (*көк* сўзларига омоним сифатида келтирган. Яна "Абушқа" луғатининг муаллифи ҳам *көклә*- сўзини изоҳлар экан, ундаги "коф"лар жарангсиз [к] эканлигини таъкидлайди: *ка:флар ка:ф-и 'араби:дур* деб ёзади у.

Мухими шундаки, Маҳмуд Кошғарий ўз девонида *көг* ("куг") сўзини икки маънода қўллайди: 1) шеър, шеър



ры узă өгди алқады - Кўплаб шеърлар (шлок-тағшутлар) билан мақтовлар айтди (СЦ, V.6).

**ШЛОК** (<анат. *šloka*) - Анаткак тилидан ўлашган ушбу атама турк будда асарларида "шеър, назм" маъносида қўлланган. Жумладан, "Сюань-цзан кечмиши" асарининг қадимги туркий версиясида ўрни-ўрни билан шеърлар келтирилади. Ушбу шеърлар асарда *шлок* деб қайд этилган: *шлоки бу эзур* - (унинг) шеъри бу эзур. Шлокларнинг матнига қаранг: СЦ, VIII.17-VIII.19; VIII.30.

◆ *шлок* атамаси *тағшут* билан қўша қўлланиб (*шлок тағшут*), "шеърят, шеърлар" маъносини билдирган (ДТС, 524).

**ПАДАК, ПАТИК** (<анат. *paduka*) - шеър, назм. Ушбу атама қадимги турк будда адабиётининг намояндаси Пиратя Ширининг шеърларидан бирида келган:

*Мунчулайу-тэг йылайу савлар өзә,  
Мундағ йангығ ушиқ экшәр падак өзә,  
Мунгадынчығ өггулуг сиз аначыма  
Мунчақы-а өгди шлок отунур-мэн.*

(Бунинг каби сеҳрли сўзлар билан, бундай ҳарф, ҳижо ва мисралар ила мукаммал мадҳ этишга лойиқсиз, эй онагинам. Мен фақат бунинг қадар мадҳия изҳор эта оламан) (Агат 1991, 160).

**КАРАНТ** (<анат. *grantha*) - шеър тури (СЦ, V.57).

**ЙЫР~ЫР** - йир, кўшиқ, ашула. "Девону луғатит турк"да *йыр~ыр* шаклларида берилган: *ол йыр қошды* - у газал, шеър ёзди (яъни ашула тўқиди) (МК, II.22); *бу йыр из көг узă-ол* - бу шеър қайси вазнда (МК, III.144). "Сюань-цзан кечмиши" асарида: *ыр* - кўшиқ (СЦ, VI.5).

Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз *жир* шаклида қолдиқ ҳолда учрайди: *Қиз бола борган (~тушган) жойининг жағина жирлаб кетса* [яъни: *ашуласини айтиб кетса*].

◆ *улуг йыр* - бу атамани Навоий йирик шеърин асар - "достон" маъносида қўлаган. Қаранг: *да:стони*.

**ТУЙУҚ~ТУЙУҒ**. Алишер Навоий "Мезону-л-авзон" асарида туркий шеърятгагина хос турлар ҳақида тўхталиб, туюқни тилга олади: *Бириси туйуғдур-ким, ики*

байтқа муқаррардур ва са'й қылулар-ким, тажнис ай-  
тылғай ва ул вази рамали мусаддаси мақсурдур  
(МЛ, 179). Бу ўринда у туюққа мисол ҳам келтирган.

Навоий "Муҳокамату-л-луғатайн"да ҳам туюқ ҳақида  
маълумот бериб, унинг фақат туркий шеърятдагина учра-  
шини таъкидлайди: ... Ва бу ики байт-ки, тажнис-и  
ти:мдур, ҳам турк шуара:сы ха:ссасидур-ки, сартда  
йўқтур ва муны туйуғ дэрләр (МЛ, 113). Муаллиф ушбу  
шеър турига икки мисол келтирган. Уларнинг бири мана бу:

Чун пари-йу хурдур атынг бэгим,  
Сур'ат ичрә дэв эрур атынг, бэгим.  
Хар хаданги-ким, улус андын қачар,

На:тави:и жа:ным сары атынг, бэгим (ўша жойда).

Заҳириддин Бобур "Мухтасар" асарида икки байтли  
шеър турлари ҳақида тўхталар экан, туюқ ҳақида ҳам  
маълумот беради ва унинг мўғул хонлари билан турк сул-  
товлари мажлисида кўп айтилишини таъкидлайди: Турк  
фусаха:сы ҳам бу вазига (яъни рубоий вазига - Қ.С.)  
ҳадд-и му'айян муқаррар қылып ики байт айтыптур-  
лар, туйуққа мавсумдур, бу вазилар моғул ханлари билә  
турк сала:тинының мажалисида туйуқның көп иш-  
тиҳа:ры бар эркандур (Мухтасар, 162-163). Бобур турк  
шеърятда туюқнинг бир қанча тури мавжуд эканлигини  
таъкидлаб, уларнинг ўлчовлари ҳақида атрофлича маълум-  
от беради, ҳар бирига мисоллар келтиради (қара:н: ўша  
асар, 163-164- б.).

Девонларда ҳам айни шеър тури туйуғ деб номланган.  
Жумладан, Алишер Навоий девонида уларга туйуғлар  
деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 240б.).

□ = тажнис.

ТАЖНИС = туйуқ~туйуғ.

ҚОШУҚ~ҚОШУҒ. Маҳмуд Кошғарий қошуғ сўзини  
ислоҳлар экан, ушбу атаманинг "шеър, қасида, кўшиқ"  
маъноларини англатувини таъкидлайди ва шундай мисол  
келтиради:

Туркән қатун қутынга  
Тэгур мэндии қошуғ.

*Айғыл: Сизнинг тапугы*

*Өтиур йангы тапуг.*

(Малика хотунга мендан мақтов, қасида еткур ва ходиминиз янги хизмат билан йўланади, деб айт)  
(МК, I.357).

Маъжур тўртликда кечган қошуғ сўзи "қасида, олқини" маъносини ифодалаган.

"Қутаду били"нинг шеърини муқаддимасида маъжур сўз "шеър, назм" маъносида қўлланган: *Бу туркча қошуқлар тутаттим сизгә* - Сенга атаб бу туркча қўшуқларни туздим (ҚБ, 58). Бу билан муаллиф ўзининг "Қутаду били" достони "туркча қошуқлар"дан тузилганини таъкидламоқда.

Бу атама Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди. Мухими шуки, Навоий адабиётшуносликка мансуб ушбу атаманинг таърифини ҳам келтиради. У "Мезону-лавзон"да турк улуси ичра кенг ёйилган шеър турларини баян этар экан (*Турк улусы, батахсис Чағатай халқы ара шайи авлаги-ким, алар сурудларын ул вазилар билә йисан, мамалисон айтурлар*) қошуққа алоҳида таъриф берган. Қўшук ва унинг вазни хусусида Навоий ёзади: *Йаки қошуқдур-ким, урғуштак усульда шайи'дур ва би'зи адвар кутубида ул усул ҳам зикр болуптур. Ва ул суруд 'арибнинг тәвә' сурәр худа:лары вазны билә римал-и мурибба'-и маҳзүфда ва:қе' болур. Ва анынг аслы бу иша'дур-ким, [байт]:*

*Ваҳ-ки, ул ай ҳасраты, дәр-у да:г-и фурқаты,*

*Ҳам зурр жас:нымга Ҷри, ҳам ҳайа:тым а:фаты*

(МА, 58).

Унинг таъкидлашича, бу сурудни мусиқий ва адвор илмидан муложим таблиқ бепазир йиғитлар рамаля-и му-самман-и маҳзүф вазиига элтиб ҳам айтганлар. Бунга у қуйдаги байтни мисол келтиради:

*Сабле-и хаттинг сават:ды ла'я-и ханди:н устийә,*

*Хизр гойа: са:йа салмыш а:б-и ҳийвал:н устийә*

(уша асар, 59).

Заҳириддин Бобур ҳам "Мухтасар" асарига кўшук хусусида фикр юритган эди:

*Кэлгил эй а:рам-и жасн кэчә тартий интизар,*

*Қылды ҳажрынг на:тавази, қылды шавқынг бқара:р.*

*Бу вази турк арасыда қошукқи маъмулдур, Урғуштак битәрдә бу вази тақсим қылулар (Мухтасар, 155).*

"Абушқа" лугатида ҳам қошук атамасининг таърифни келтирилган. Муаллиф ёзади: *Қошук - урғуштак усулында ырланган таркиба дэрләр-ки, "Атта:ну л-авза:н"да бир турки:дә кэлур-ки, йана қошукдур-ким, урғуштак усулыда ша:йз'дур. Ва урғуштак тафсилы "Ашф мазмума"да кечмишдир. Ва йана "Ҳайрату-л-абра:р"да сөз та'рифында кэлур-ки, байт:*

*Англәмәйиш сөздә туйук баҳрыны,*

*Қайсы туйук, балки қошук баҳрыны (ДНТ, 342).*

Кўшуқлар баъзи мажмуаларга ҳам киритилган. Жумладан, Британ Музейида сақланаётган Or. 8193 рақамли уйғур ёзувли мажмуадан йирик насрий ва назмий асарлар, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг шеърлари, муаллифи аниқ бўлмаган беш тўртлик ўрин олган. Муҳими шундаки, кўлөзмада бир тўртликка байт, туюқ кўринишидаги кейинги тўртликларга эса қошуклар деб сарлавҳа кўйилган (нашрига қараңг: ТЕР, 115).

Фанда қошук [ҳозирги имлода қушук > қушиқ] сўзининг этимологияси ҳақида ҳар хил фикрлар бeширилган. Кўнчилик бу сўзнинг ўзигини "бириктирмоқ" маъносидаги қўш- феълига боғлайди. Бу ўзакни қуш (ер ҳайловчи хўкиз) сўзига боғловчилар ҳам бор. Таъкидламоқ жонакн, қўшук сўзининг ўзати қайд этилган маъноларининг бирортасига боғланмайди. Ясалини шундай: ўзати қўш- бўлиб, -қ(-уқ) - от исовчи кўшимча; у отдан эмас, феълдан от исайди. Шундай экан, бу сўз ўзатининг "ер ҳайловчи хўкиз"га боғлауви ўришли эмас. Сўзининг қўш- ўзати "бириктирмоқ" маъносида ҳам эмас, у "шеър тўқимоқ" маъносидадир. Бу маъно қадимги туркчй тилда амал қилган. "Шеър тўқимоқ" маъносидаги қўш- сўзини, жум-

лиг" дан ора-ора түртликлар (рубойилар) ҳам ўриш олган. Ушбу түртликларга асарнинг уйғур ёзувли А (хирот нуسخаси) ҳамда араб хатли С (қоҳира) нуسخасида *шэ'р* деб сарланҳалар қўйиб кетилган.

Рабузийнинг "Қисаси Рабузий" асарида матн ичида шеърлар берилади. Уларга ҳам *шэ'р* деб сарланҳалар қўйилган (ҚР, I.39,116,121,166).

"Қутадау билиг"нинг насрий муқаллимасида "назм, шеърят" маъносида *шэ'р*нинг кўпلىк шакли *аш'ар* ҳам қўлланилган. *Мочин ҳақимларининг аш'арлари бирлә аришти қолмош бу китобни оқиғели* - Мочин доминимандларининг шеърлари билан тартиб берилган ушбу китобни уқитувчи.

□ = *назм*.

НАЗМ. Туркий адабиётшунослик тарихида *шэ'р* га синоним сифатида *назм* атамаси ҳам қўлланилган. Мисалан, Навоий "Муҳокамату-л-луғатайн"да туркий шеърларни ўриш билан *туркий назм* атаган (қаранг: МЛ, 109).

□ = *шэ'р*.

БАЙТ (сар. *bayt* "уй" сўздан; кўпلىги *абйат* <ар. *abuayt*) - аруз шеърининг маъниқ ва мазмун жиҳатдан ўзгара биланган бир жуфт мисраси, шеър уяси. Унинг "бийт" (яъни "уй") аталушининг боисини Алишер Навоий "Масъуму-л-авзон"да шундай таърифлайди: *Байтны-ки уй аты бирлә атайдурлар, муна:сабаты муны дэбдурләр-ки, уйинг чун бина:сы төрт руки биләдур, бу байтнынг ҳам бина:сы төрт руки биләдур. Бу байтда ҳам ма'ни ҳа:сииятыдын көп нимәләр болур, ҳапта: уйинг махзунат ва махфийаты орныга ҳам мунди махфий ва миктум хаи:слист ва маа:ни: тапса болур, бу муна:сабитлардын аны байт дэйтурләр* (МА, 137-138).

Ушбу атама адабиётшунослик тарихида икки маънода қўлланилган. Бөшләб, мисра жуфтлигини билдирган. Жумладан, Навоийнинг "Муҳокамату-л-луғатайн" асарида битилган куйилган сатрларда *байт* атамаси орқали иккилик назарда тутилган: *Дис:ва:и дэмәй-ки, баҳр-и 'ум-ма-идур, ҳар газал анда жава:ҳирдын мамлу бир сафина;*

сафина дэм ай-ки, хазинадур, ҳар байты бир уй маани: гаоҳарлардын анда йуз давина (МЛ, 130). Ёки "Мажоллеу-н-нафоис"да Бобир мирзо ҳақида маълумот берар экан, унинг бир фореча рубойиси ва туркий байтини мисол қилиб келтиради. Туркийсини "бу туркча байт ҳам (апынг дурур)-ким" дея қайд этади. Мана Бобир мирзонинг Навоий назарига тушган ўша байти:

*Нэчә йузунг кёрун хайра:н олайын,*

*Ила:ҳи: мэн сэнгә қурба:н олайын* (МН, 132).

"Муҳокамату-л-луғатайн"да туркий сўзлар (синонимлар) маъносини изоҳлаш мақсадида Навоий уларга мисоллар келтиради ва ҳар бирини *байт* деб атайди (қаранг: МЛ, 109-112).

*Байт* атамаси классик адабиётшуносликда "шеър, наэм" маъносини ҳам билдирган. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида ора-ора тўртликлар ҳам келтирилади. Баъзан ушбу тўртликларни муаллиф *байт* деб ҳам атаган: *Бу сёзкә тануқы бу байтыг оқы* - Ушбу сўзнинг исботи учун бу байтни ўқи (ҚБ, 2012).

*Байт* атамаси "наэм" маъносида "Қисаси Рабғузий"да ҳам қўлланган. Жумладан, асарда келтирилган муаллифнинг кўкларини таърифловчи газалига *Байт. Баҳарийа:т Мавла:на: На:сируддин Рабғузи:* деб сарлавҳа қўйилган (ҚР, I.103). Асардан жой олган бошқа шеърлар ҳам *байт, шэ'р* деб аталган (қаранг: ҚР, I.101, 114, 118).

Британ музейида сақланаётган Ог. 8193 рақамли уйғур хатида битилган мажмуа якунидан мумтоз адабиётимиз намояндаларининг шеърлари ҳамда тўртликлар ўрни олган. Ана шу тўртликлардан бирига ҳам *байт* деб сарлавҳа қўйилган (наширига қаранг: ТҒЕ, 145).

"Муҳокамату-л-луғатайн"да Навоий омоним сўзларнинг шеърини санъатдаги ўрнини таърифламоқ учун икки туюқ (тажйис)ни мисол келтиради ва уларни ҳам *байт* деб атайди (қаранг: МЛ, 112-113).

Манбаларда "наэм, шеър" *абйа:т* деб ҳам аталган. Маъсалан, Навоий "Ҳамсату-л-мутаҳаййирин" асарида



"Ҳайрату-л-аброр"дан олинган байтларни (маснавийни) *абйа:т* деб (бу *абйа:т* андын дурур-кил) қайд этади (ХМ, 49). Шунингдек, "Ҳолати Сайид Ҳасан Ардашер" асарида Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида "*Маъла:на: Лут-фи: шэ'рларыдын абйа:т оқурлар эрди*" деб ёзади (СҲА, 78). Мазкур жумлада *абйа:т* атамаси билан "байтлар, шеър" назарда тутилган.

#### ҚАСИДА (<ар. *qasida*).

Қасида Аллоҳни, пайғамбар, улуғ авлиёлар ёки машхур кишиларни мадҳ этувчи шеърдир. Шу боис, маъбаларда Аллоҳга бағишлангани ҳамд, пайғамбарга аталгани *наът*, бошқалари *мадҳ* деб ҳам юритилади. Масалан, Мавлоно Саккокий девонидан 13 қасида ўрин олган. Шулardan биринчиси муножот, кейингиси *наът*, қолганлари ўша даврда ўтган улуғ кишилар ва амалдорларга бағишланган мадҳиялардир. Бирини машхур сўфий Муҳаммад Порсога аталган. Мазкур қасидага *Дар мадҳ-и Хва:жа Муҳаммад-и Парса; наввара'ла:ху марқадаху* (Ҳожа Муҳаммад Порсо (Аллоҳ марқадини нурлантирсин) нинг мадҳи) деб сарлавҳа кўйилган (Сак,102). Қасидалардан бенигаси улуғ олим ва ҳуқумдор Улуғбек Мирзога аталган. Уларга *Дар мадҳ-и Улуғ-бэг Мирза; наввара'ла:ху марқадаху* (Улуғбек Мирзо (Аллоҳ марқадини нурлантирсин) нинг мадҳи) деб сарлавҳа кўйилган (Сак,108,124,156). Бир қасида 1405-1409 йилларда Самарқандда ҳукмронлик қилган Халил Султонга аталади. Унинг сарлавҳаси: *Дар мадҳ-и Халил Султа:н* (Халил Султоннинг мадҳи) (Сак,116). Тўрт қасида ўша давр ҳукмдорларидан бири Арслон Ҳожа Тархонга аталган. Уларнинг бирига *Дар мадҳ-и Арслан Хва:жа, наввара'ла:ху марқадаху* (Арслон Ҳожа (Аллоҳ марқадини нурлантирсин) нинг мадҳи) деб сарлавҳа кўйилган (Сак,170).

Маъбаларда қасида атамасини ҳам учратамиз. Масалан, Аҳмад Пошо девонига кирган айрим қасидаларга матида қасида деб сарлавҳа кўйилган: *Қасида ли-ажли Султа:н Ба:йазид* (АД,94).

□ = мадҳ.

**ҒАЗАЛ** (<ар. *ğazal*; кўплиги *ғазалийа:т* <ар. *ğazaliya:t*) - мумтоз адабиётда кенг тарқалган лирик шеър тури.

Ғазалнинг илк байти *матла'*, сўнгги байти *мақта'*, матладан кейинги байт *хусн-и матла'*, мақтадан аввалги байти *хусн-и мақта'*, шоирнинг исми-тахаллуси кечган байт *махлас байт* дейилади.

*Ғазал* атамаси манбаларда кўп учрайди. Масалан, Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" достонида ора-ора ғазаллар ўрин олган. Асарнинг уйғур ёзувли нусхасида (Британ музейида сақланаётган Оғ. 8193 рақамли қўлёзма таркибидан) улар *ғазал* сарлавҳаси билан ажратиб кетилган. Шеър матлаида ҳам улар ғазал эканлиги таъкидланади. Масалан, достондан жой олган илк ғазалнинг матлаи шундай:

*Хусайни: пардасы узрā тузуп са:з*

*Муғинни: бу ғазалны қылды аға:з* (Муҳ.н.,21).

1480 йили Истанбулда Абдулраззоқ бахши кўчирган мажмууга Лутфийнинг тўққиз, Саккокийнинг уч ғазали киритилган. Айримларининг сарлавҳасида улар *ғазал* деб қайд этилади: *Бу дағы Лутфи:ның ғазалы, Мавла:на: Лутфи:ның ғазалы, Лутфи: ғазалы, Сакка:ки:ның ғазалларыдын йана бир ғазал айтур* (шеърларнинг нашрига қаранг: ТҒҒ, 137-142).

"Қиссаси Рабғузий"да ҳам ора-ора келган ғазалларга *ғазал* деб сарлавҳа қўйиб кетилган (қаранг: ҚР, I.122, 126).

Шеъринг девонларда ғазаллар *ғазалийа:т* деб юритилган. Жумладан, Алишер Навоий девонидан ўрин олган ғазаллар бонига китобда *ғазалийа:т* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 156).

**ҚИТ'А** (<ар. *qit'a*; кўплиги: *муқатта'а:т* <ар. *muqatta'a:t*). Алишер Навоий "Муҳокамағу-л-луғатайн" муқаддимасида сўзнинг қудрати ва қиймати хусусида фикр юритиб, икки қит'а келтиради. Матнда улар *қит'а* деб номланган (қаранг: МЛ, 105-106).



Шеърлий девонларда қитъалар мажмуи *муқатта'а:т* деб номланган. Жумладан, Навоий девонидан жой олган қитъаларга *муқатта'а:т* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 210 б).

РУБА:'И: (<ар. *rubā:'ī*; кўплиги: *rubā:'iyyā:t* <ар. *rubā:'iyyāt*). Арузда ёзилган, муайян қофияга эга бўлган тўртлик.

Рубоийнинг вазни ҳақида Алишер Навоий "Мезону-л-авзон" да яхши маълумот берган (МА, 157-160).

"Муҳокамату-л-луғатайн" да Хусайн Бойқаро (=Абу-л-ғозий Султон Хусайн Баҳодирхон) таърифини битар экан Навоий унга атаб икки рубоий бағишлаган. Асарда уларга *rubā:'i*: деб сарлавҳа қўйилган (қаранг: МЛ, 129). Шунингдек, асар якунида мазкур рисоланинг ёзилиш таъриhini рубоийда битган. Мана ўша рубоий:

*Бу на:ма-ки, йазды қаламым тартып тил,*

*Та'рихын анынг жума:дийу-л-аввал бил.*

*Куннинг рақамыны ча:ршанба қылғыл,*

*Тоққуз йуз йылдын отуп эрди бэм йыл (МЛ, 132).*

Рубоийда таъкидланувича, асар ҳижрий 905 йил, жумадииюл-аввал оғи, чоршанба кунин тугаган. Бу сана 1499 йил 18 декабрга тўғри келади.

"Мажолисун-н-нафоис" да ҳам Навоий ўрни-ўрни билан рубоийлар келтиради. Асарда улар *rubā:'i*:, *rubā:'iyyā* деб аталган (қаранг: МН, 9, 64).

Шеърлий девонларда рубоийлар мажмуи *rubā:'iyyā:t* деб номланган. Жумладан, Алишер Навоий девонидан ўрин олган рубоийлар бошига *rubā:'iyyā:t* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 218б).

□ = *ду байти*; *тара:на*.

ДУ БАЙТИ: (<форс.+ар. *du bayti* "икки байт"). Рубоийнинг бошқа бир номи. Икки байтдан иборат бўлгани учун у шундай аталган (Навоийнинг изоҳига қаранг: МА, 157).

□□ = *руба:'и*; *тара:на*.

**ТАРА:НА** (<ар. *tara:na* "нағма" сўзидан). Тўртгала мисраси қофиядон рубоий (Навонийнинг таърифига қаранг: МЖ, 157).

□ = руба'и; ду байти.

**АРУЗВА:РИ**: (<ар. *aruzva:ri*) - шеър тури.

Навонийнинг маълумотиغا кўра, Ироқ турклари орасида кенг ёйилган суруд бўлиб, унинг байти кўпроқ ҳазажи мусаммани солимда ва яна рамали мусаммани маҳзуфда битилади (МА, 181). Навоний арузворийнинг ҳар икки турига мисол ҳам келтирган (ўша жойда).

**МУХАММАС** (<ар. *muhammas*) - бандлари беш мисрали арузда ёзилган шеър тури, маъноси "бенлик" дегани.

Алишер Навонийнинг девонидан жой олган айни турдаги шеърларга *мухаммас* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 195а).

**МУСАДДАС** (<ар. *musaddas*) - бандлари олти мисрали арузда ёзилган шеър тури.

Алишер Навоний девонидан ўрин олган айни турдаги шеърларга *мусаддас* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 198 а).

**ТАРЖИ:БАНД** (<ар. *tarji'band*) - аруз шеър тури.

Алишер Навоний девонидан ўрин олган айни турдаги шеърларга *сақилна:ма-и таржи:банд* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 199б).

**МУСТАЗА:Д** (<ар. *mustaza:d*) - шеър тури.

Алишер Навонийнинг ёзишича, мустазод халқ орасида тарқалган бўлиб, "ҳазажи мусаммани аҳраби макфури маҳзуф вазнида анга байт башлап битип, аның мисраидын сонгра ҳамул бахрнинг икки рукны билә ада: қылып, суруд нағма:тыга ра:ст кэлтурурләр" (МА, 180-181). Навоний мустазодга бир байт мисол ҳам келтирган (ўша жойда). Навоний девонидан ўрин олган мустазодга эса *мустаза:д* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 194 б).

**МУҲАББАТНА:МА** (<ар.+форс. *muhabbatna:ma*).

Алишер Навоний "Мезону-л-авзон"да ёзишига қараганда "Муҳаббатна:ма" деб аталгучи шеърый асар турк улуси орасида тарқалган ва уни "ҳазажи мусаддас-и

мақсур" баҳрида битилур (МА,180). Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"си ҳам айни баҳрдадир.

ЛУҒАЗ (<ар. *luğaz*) - жумбоқ, чистон, топишмоқ.

Алишер Навоий девонидан ўрин олган айни турдаги шеърларга *луғаз* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 2346). Ёки Аҳмад Нешо девонидан ўрин олган топишмоқ-шеърларга *Луғаз-и шатранж* деб сарлавҳа қўйилган (АД, 301).

МУ'АММА: (<ар. *mu'amma*; кўнлиги: *му'амма:ийат* <ар. *mu'amma:iyat*) - шеър шакли.

Муаммо намуналарини Алишер Навоийнинг девонидан учратамиз. Қўлёзмада уларга *му'амма:ийат* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 3366).

ФАРД (<ар. *fard*; кўнлиги: *муффрида:t* <ар. *mufrida:t*) - иккилик шаклидаги шеър тури.

Фард намуналарини Алишер Навоийнинг девонидан учратамиз. Девон қўлёмасида уларга *муффрида:t* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 242а).

МАРСИЙА (<ар. *marsiya*) - бирор шахс ўлими муносабати билан тўқилган шеърин бағишлов.

Туркий марсиянинг энг эски намунаси Али Эр Тўнга (=Афросиёб) ҳақидаги достонга киритилган. Достондан олинган ушбу марсияни Маҳмуд Қошғарий ўзининг "Девону луғатит-турк" асарида келтиради. Мана ўша тўртлик:

*Али Эр Тонга ёлдиму,*

*Эсиз ажсуи қалдыму.*

*Ёллак очин алдыму,*

*Энди йурак йыртылуру.*

(Али Эр Тўнга ўлдими,

Ярамас дунё қолдими.

Дунё ундан ўчини олди,

Энди юраклар пора-пора бўлмоқда) (МК, I.47).

Марсия намуналарини урхун-енисей битигларида ҳам учратамиз. Жумладан, Кул тигин битигида Билга хоқон гинидан саркарда ўлимини хотирлаб айтилган ушбу мати парчаси марсияга мисол: *Кул тигин йоқ арсёр, қон ёлтәчи әртигиз. Иним Кул тигин кәргәк болты, ёзум*

*сақынтым. Көрүр көзум көрмәс-тәг, билир билигим билмәс-тәг болты. Өзум сақынтым. Өд тәнгри йасар, киси оғлы қоп әлуғли төрумус.* - Кул тигин бұлмаса, бутулай ұлар әдингиз. Ишим Кул тигин вафот этди, ұзим алам чекдим. Күрар күзим күрмасдек бұлди, билар ақлим билмасдек бұлди [яъни: күзларимнинг нури кетиб, әс-хушимдан айрилдим], ұзим алам чекдим. Дунёни Тангри ясайди, инсон боласининг бари ўладиган қилиб яратилган (КТу, 50).

Марсия намуналари, айниқса, енисей матлиарида кўп учрайди.

Алишер Навоий "Мажолису-н-нафоис"нинг сўнги мажлисида Хусайн Бойқаро шеърятини таҳлил этар экан, унинг Хожа Ҳофиз Шерозийга бағишланган марсияси (*ғазал таврида марсийа а:мээ шә'р*)ни тилга олади ва радиф мисоли учун шеърнинг матламини келтиради. Мана Навоий келтирган ўша байт:

*Ва:й йуз минг ва:й-ким, сарв-и рава:ным бардыла,  
Хуш-у сабрым мулкидин а:рам-и жа:ным бардыла*  
(МН, 143).

**ТАРИХ** - шеърини санъат (муаммонинг бир тури).

Бундай тарихда бирор воқеа ёки муайян шахс ўлимининг санаси яширинган бўлади. Яширини сана абжад ҳисоби билан чиқарилади. Тарих туркий асарларда ҳам, кўпроқ, форсчада битилган. Масалан, Заҳриддин Бобур ўзининг "Бобурнома"сида ўрни билан ёзган тарихлар фарсийда. Асарда Улуғбек ёки унинг ўғли Абдуллатиф Мирзонинг ўлими санасига битилган тарихлар бунга мисол (қараи: БН, 48). "Бобурнома"да улардан бири *Улуғбег мирза:нинг вафты:нинг тарихы таврә ва:қә болуптур. Назм ...* деб бошланади. Абдуллатиф ўлимига аталган назм эса *Аның тарихы ҳам таврә ва:қә болуптур* деб бошланган (ўша ерда).

Аҳмад Пошо девонига киритилган тарихлар туркийдандир (қараи: АД, 293-294). Уларга *Тарих-и фитҳ-и қал'а-и Эрманак; Тарих-и жулус-и Султа:и Байазид; Тарих-и ха:на-и Ход Мигуяд; Тарих* деб сарлавҳалар қўйилган.

*Тарих* атамасининг бошқа маънолари ҳам бор. "Тарих китоблари" бўлимидаги *тарих* атамасининг изоҳига қаранг.

### Достонлар, эпик асарлар

**КАВИ** (<анат. *kavua*) - эпос, достон, эпик асар.

"Сюань-цзан кечмиши" асарининг қадимги туркий версиясида *таржимон* Шингу Шели тутунг мазкур асарни *кави ном битиг* деб қайд этган: *Бодисатв тайто самтсо ачарининг йоруғын уқитмақ атлығ тси-ин-чун тигмә кави ном битиг*. *Бишинч улуш тугәди* - Бўдисатв тайтў самтсў ачари [яъни Сюань-цзан]нинг йўруғ-кечмиши ҳақидаги "Тси-ин-чун" отли кави [яъни эпик] нўм битиг. Бишинчи бўлим тугади (СЦ, V.87).

**МАСНАВИ:** (<ар. *masnavi*:). Ушбу атама арузда битилиб, жуфт мисралари ўзаро қофияланиб борувчи асарни билдиради.

Алишер Навоий "Муҳокамату-л-луғатайи"да турк ялфозидаги *қабат* сўзининг таърифи учун келтирган қуйидаги байт маснавийга мисол. Муаллифнинг ўзи-да уни *маснави:* деб таъкидлайди: *Маснави:да бир жама:ат хоб та'рифыда мундақ дэйтилиндур-ким, байт:*

*Мэнгизләри гул-гул, мижалары ха:р,*

*Қабағлары кэнг-кэнг, ағызлары та:р* (МЛ, 112).

Навоийнинг девонидан ҳам маснавий ўрин олган. Унга қўлёзмада *маснави:* деб сарлавҳа қўйилган (Девон, 2046).

Шарқ адабиётида йирик эпик асарлар маснавийда битилган. Шунинг учун ҳам адабиётшунослик тарихида *маснави:* атамаси йирик эпик асар, "достон" маъносини ҳам аниқлатган. Жумладан, Алишер Навоий "Мажолисун-нафонс"да Мавлоно Лутфийнинг ижоди ҳақида маълумот берар экан, мазкур атамани айни маънода қўллайди: *Мавла:на:нинг "Зафарна:ма" таржимасыда он минг байтдын артуқрақ маснави:сы бар, байазға йазмаган учун шухрат тутмады* (МН, 56). Ёки асарнинг еттинчи мажолисиде Сайид Аҳмад мирзо ҳақида маълумот битар экан, унинг маснавийсини ҳам ёдга олади: *Маснави: тав:рида "Лита:фатна:ма" анынгдур* (МН, 133).

Заҳириддин Бобур ўз "Бобурнома"сида Алишер Навоий ижоди ҳақида маълумот бериб, унинг олти маснавий китоби борлигини таъкидлайди: *Алты маснави: китаб назм қылынтур: бэши "Хамса" жава:быда, йана бир "Мантқиқут-тайр" вазныда "Лиса:ну-т-тайр" атлығ* (БН, 153).

ДА:СТА:Н (<форс. *da:sta:n*) - йирик ҳажмли шеърӣ-эпик асар.

Алишер Навоий "Хамса"га кирган дostonларини *да:ста:н* атаган. Масалан, "Сабъан сайёр" 12- бобининг насрий бошламасини *Да:ста:н а:ға:зы ...* деб бошлайди (X.220), "Садди Искандарий"нинг 15- бобини эса *Искандар да:ста:нның а:ға:зы-ким ...* (X.294) деб бошлаган.

Ёки "Хамсату-л-мугаҳаййирин" да ў ўзининг "Ҳайрату-л-аброр"ини *да:ста:н* деб таъкидлайди (ХМ, 49). "Лисону-т-тайр" да ҳам Навоий мазкур асарга нисбатан *да:ста:н* атамасини қўлаган:

*... Ким нава: қушлар тили алҳа:ндыр,*

*Дилқаш афға:ни хазин да:ста:ндыр.*

*Турки: услуб эрди ҳам бу да:ста:н,*

*Танқу-дэг эрди Нава:йи:дын ниша:н* (ЛТ, 242).

□ = улуг йыр. Қаранг: йыр~ыр.

НА:МА (<форс. *na:ma*) - ушбу сўз асли "хат, мактуб" маъносини билдирган. Навоий "Муншаот"га кирган мактубларининг айримлари матида *на:ма* деб қайд этилган. Бадий адабиётда мактуб тарзида ёзилган дostonлар ҳам шу ном билан аталган. Масалан, Харазмийнинг "Муҳаббатнома", Хўжақдийнинг "Латофатнома", Амирийнинг "Даҳнома" каби дostonлари айни турга мансуб.

Мазкур атама кенг маънода бадий, тарихий асарларга нисбатан ҳам қўлланган. Масалан, "Қутаду били"нинг муқаддимасида таъкидланувича, ушбу асарни *"Ша:ҳна:ма-йи-турки"* ("Туркий Шоҳнома"), *"Над:на:ма-йи-мулук"* ("Маликлар пандномаси") деб ҳам атаганлар. Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома", Солиҳнинг "Шайбонийнома", Хиромийнинг "Тўтиннома" каби асарлари ҳам шу номда.



□ Ушбу атаманинг "мактуб, хат" маъносига қиёсланг: *битиг (3), мактуб, руқ'а, ниша:и, ииша:, арзада:шт, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3).*

### Панду насиҳат ва мақоллар

ҚУМАРУ~ҚУМАРТҚУ~ХУМАРУ. Қадимги туркийда бу сўз "ёдгорлик, мерос; эсдалик" маъноларини англатган. Масалан, Маҳмуд Кошғарий луғатида: *хумару* - мерос: *Буны атамдан хумару болдым* - Бу отамдан қолган мерос; *хумару* - эсдалик (МК, I.416-417). Ёки "Қутадғу билиг"дан олинган ушбу мисолларга эътибор беринг: *Киши ёлсә андын қумару қалыр* - Киши ўлса, ундан мерос қолади (ҚБ, 1446). Қуйидаги байтни кузатинг:

*Кишидин кишикә қумару сөз-ол,*

*Кумару сөзи тутса, асғы йуз-ол.*

(Кишидан кишига (қоладиган) мерос - сўздир,

Мерос сўзни [яъни оталар сўзини] тутсанг, нафи юздир) (ҚБ, 187).

Ушбу байтнинг биринчи мисрасидаги *қумару* - "мерос" маъносини, иккинчи байтдаги *қумару сөз* эса "насиҳат, оталар сўзи" маъносини англатган.

Матиларда *қумару сўзи* "васиятнома; панднома" маъносида ҳам қўлланган. Масалан, "Қутадғу билиг"да асар қахрамони Ойтўлди эликка панднома, васиятнома ёзади ва уни *қумару* деб атайд:

*Айур: Бу битиг тут, йитурмә, оғул,*

*Элигкә тәгургил, қумару бу-ол.*

(Айтди: Ўғлим, бу номани сақла, йўқотма,

Уни эликка етказ, бу васиятномадир) (ҚБ, 1476).

◆ "Қутадғу билиг"да "васиятнома" маъносида *қумару битиг* ҳам қўлланган. Китобда Ойтўлди тилидан шундай сўзланади:

*Ол ачығ йануты қумару битиг,*

*Битиб қозтум эмди сэнгәр эй тәтиг.*

(Ўша иноятларингга жавобан ушбу пандномани

Энди сен учун ёзиб қолдирдим, эй тетик) (ҚБ, 1339).

Асарда Ойтўлди эликка битган васиятноманинг матни ҳам берилган (қаранг: ҚБ, 1329-1474).

Манбаларда бу сўз қумару сав (~сөз), қумару панд шаклларида ҳам қўлланган. Бу атамалар "панд, насихат, ўгут" маъносини билдиради.

ӨГ - ўгут, насихат.

Ушбу атама, ҳарқалай, қадимги туркий *ö* ўзагига боғланади, чамаси. Қиёсланг, қадимги туркийда: *ö* - "ўйламоқ, фикр қилмоқ" (ДТС, 375). *ög* (ақл) сўзи ҳам шундан. Ушбу сўз ҳозирги *ürgät* сўзининг таркибида бор: *ög + pä + m > ögpäm > örgäm*. Ёки яна қиёсланг, ҳозирги туркчада: *ögret* - ўргат; *ögretmen* (ўқитувчи) сўзи ҳам шу ўзакдан.

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарида ёзилувига қараганда: *ög* - ақл ва зийраклик. Шунинг учун ёши улуг ва ақллиларга *ögä* лақаби берилади. Бу сўз ўрта ёшга етиб улғайган ҳар бир ҳайвонга нисбатан ҳам ишлатилади. Шунингдек, тўрт ёшдан ошган отларга *ög at* дейдилар (МК, I.82).

◆ *öt билиг* - таълимот (ДТС, 391). *öt* атамаси *öt saw*, *öt saw ириг* шаклида ҳам қўлланган. "Кутадғу билиг" - да Юсуф Хос Ҳожиб ўгут, насихатларни шундай атаган:

*Нэку тэр эшиткил тонга алп эриг,*

*Билип сөзләмиш, көр, бу öt saw ириг.* -

(Ботир, баҳодир кишини эшитгин, нима дейди,

У ўгут, панд, насихатни билиб сўзлабди, кўргин) (ҚБВ, 2106).

Ушбу сўз *öt saw* шаклида ҳам қўлланиб, "панду насихат" маъносини беради. Жумладан, "Кутадғу билиг" асарида Ойтўлди эликка васиятнома, насихатлар ёзиб, уни *öt saw*, қумару деб таъкидлайди: *Битиб қозтум öt saw*, қумару оқын - Панду насихатлар ёзиб қолдирдим, ўзинг учун ўқигин (ҚБ, 134).

ПАНД (<форс. *pand*) - панд, насихат.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз ўгутларини *pand* деб ҳам атайд:

*Сэнгә сөзләдим мән сөзүм, эй оғул,*

*Сэнгә бәрди бу панд сөзүм, эй оғул.* -



(Мен сўзимни сенга сўзладим, эй ўғил,  
Бу пандни ўзим сенга бердим, эй ўғил) (ҚБВ,14а).

**МАСАЛ** (<ар. *masal*; кўплиги: *амсал* <ар. *amsal*) - мақол, ҳикматли сўз.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида "мақол, ҳикматли сўз" маъносида *сам* билан бирга *масал* сўзи ҳам қўлланган: *Масал кэлди туркчә мунгар мэнгзәтур* - Бунга монанд туркча мақол бор (ҚБ,270); *Мунгар мэнгзәту кэлди туркчә масал* - Бунга ўхшаш туркча мақол бор (ҚБВ,186). Айни таъкидлардан сўнг асарда туркча мақоллар ҳам келтирилади (ўша байтларнинг давомига қаранг).

Бу сўз "Ҳибату-л-ҳақойиқ"дан олинган қуйидаги мисолда ҳам "мақол, ҳикматли сўз" маъносини англатган: *Бу бир сөз озақы урулмыш масал* - Бу сўз ҳақида қадимда мақол тўқилган (ЮГА,82).

"Қутадғу билиг"нинг муқаддимасида "мақол" маъносида *амсал* сўзи қўлланган: *Чин ҳақимларынның амсаллары* - Чин ҳақимларининг мақоллари.

◆ *мава'из масал* - қаранг: *мава'из*.

*зарбу-л-масал* - мақол.

□ = *сам* (5); *сөз* (3); *авучга сөзи, кэчки соз, қумару сөз* - қаранг: *сөз* (3).

**МАВА'ИЗ~МУВА'ИЗ** (<ар. *ma'izi*; кўплиги: *ma'izi*) - панду насиҳат, ўтут.

◆ *мава'из масал*. Адиб Аҳмад ўзининг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарини ана шундай деб номлаган:

*Битидим кита:б-и мава'из масал,*

*Оқыса тарыр тил йэммиш-дэг 'асал.*

(Панду насиҳатлар китобини битдим,

Ўқиса, тил асал еган каби тотийди) (ЮГС,45).

□ = *сам* (5); *сөз* (3); *авучга сөзи, кэчки соз, қумару сөз* - қаранг: *сөз* (3).

**ҲИКМАТ** (<ар. *hikmat*) - панду насиҳат мазмунли асар.

## Қасида ва бағишловлар

**БАШЫҚ~БАШҚУҚ.** (Чоғиштиринг: суғд. р'šyk) - гимн, мадҳия (ДТС, 87-88).

**ӨГДИ~ӨГДУ** - мақтов; мадҳ, бағишлов.

"Қутадғу билиг"дан "мақтов" маъносига мисол:

*Эсизкә сөкуш эзгу өгди булур,*

*Өзунгә бақа көр қайусын қулур.*

(Ёмон сўкилади, эзгу мақтов топади,

Ўзингга боқиб кўр, қай бирини истайсан?) (ҚБВ, 16а).

Манбаларда тангрига, пайгамбарга бағишланган мадҳу сано ҳам шу ном билан аталган. "Қутадғу билиг"нинг тангрига ҳамд бўлими шундай бошланади:

*Өкуш өгди бирлә тумән минг сана,*

*Уған бир байатқа ангар йоқ фана.*

(Талай мадҳлар билан туман минг санолар бўлсин

Қодир ва воҳид илоҳга, фонийлик унинг учун ётдир)  
(ҚБ, 1).

Асарнинг уйғур ёзувли А нусхасида ушбу ҳамд бўлимига *Тәнгри аzza ва жалла өгдиси айур*, Муҳаммад пайгамбарга бағишланган наътга *Йалавач 'алайҳис-салам өгдусин айур* деб сарлавҳа қўйилган (ҚБА, 10, 12). Асарнинг наманган (В) нусхасида ҳамдга сарлавҳа қўйилмаган, лекин наът *Фи фазийли-н-наби 'алайҳис-салам* сарлавҳаси билан бошланади (ҚБ, 33- байтдан аввалги сарлавҳа).

◆ Матнларда *ҳамд-у өгди*, *ҳамд-у сзнас-у миннат-у өгди* шаклларида ҳам қўлланган. Қаранг: *ҳамд*.

**ҲАМД** (<ар. *hamd*) - тангрига бағишлов, мадҳ. Бандаларнинг Тангри таолога билдирган мамнуният ва шукроналари, ҳамду санолари.

Ислом даври асарлари, одатда, Аллоҳга ҳамд билан бошланган. Ҳамд асарнинг турига қараб шеърӣ ё насрий йўлда ёзилган.

"Қутадғу билиг"да *ҳамд* сўзи ўрнида *өгди* сўзи қўлланган. Жумладан, асарнинг уйғур ёзувли А нусхасида асарнинг ҳамд бўлимига *Тәнгри аzza ва жалла өгдиси*

айур деб сарлавха кўйилган (ҚБА,10). Асарнинг араб ёзувли наманган нусхасида бу сарлавха йўқ. Асар бошла-нишидаги басмала ҳам асар учун, ҳам илк фасл - Тангри-га ҳамд бўлими учун сарлавха вазифасини ўтайди.

"Ҳибату-л-ҳақойиқ"нинг илк сатрини муаллиф ҳамд айтиб бошлайди: *Илаҳи: Оқуш ҳамд айур-мэн сэнгә* (ЮГС, 1).

Алишер Навоий ҳам "Лисону-т-тайр"ни Тангри ҳамди билан бошлайди:

*Жа:н қушы чун мантиқ-и ра:з әйләгәй,*

*Тэнгри ҳамды бирлә а:ға:з әйләгәй* (ЛГ,5).

◆ Матнларда ҳамд-у *өгди* шаклида ҳам кўлланган. Масалан, "Қутадғу билиг"нинг шеърий муқаддимасида Аллоҳга бағишланган мақтов сатрлари шундай бошланади:

*Уған бир байат-ол қамугдын өзә,*

*Оқуш ҳамд-у өгди ангар-оқ сиза.*

(Қодир бир худо барчадан устундир,

Талай ҳамду санолар унгагина сазодир) (ҚБ, на-шрнинг 50- бетига қаранг).

Баъзан матнларда ҳамд-у *сэнас-у-миннат-у өгди* (ҳамду сано, шукрона ва мақтовлар) шаклида ҳам келади. "Қутадғу билиг"нинг насрий муқаддимаси шундай бошланган (ҚБ, нашрнинг 48- саҳифасига қаранг).

*ҳамд-у сана:* - Аллоҳга аталган ҳамду сано.

НА'Т (<ар. *на'т* - "сифатлаш, тавсифлаш" сўзидан) - пайғамбарга бағишлов, мадҳу сано.

Наът, одатда, асар муқаддимасида, Аллоҳга ҳамд би-тилгандан кейин келади.

"Ҳибату-л-ҳақойиқ"нинг муқаддимасида Муҳаммад алайҳис-саломга наът айтилган. Асарнинг уйғур ёзувли А нусхасида унга *Наби: на'тында* (ЮГА,5), уйғур ва араб ёзувли В ҳамда араб ёзувли С нусхаларида *Фи на'ти-л-наби: 'алайҳис-сала:м* деб сарлавха кўйилган (ЮГВ,4; ЮГС,3).

"Қисаси Рабғузий" асарида муаллиф Муҳаммад расу-луллоҳ валодати қисасини баён этар экан, Аллоҳнинг ҳабиби Муҳаммадга атаб наът битган. Айни шеърга мат-

нда *На'ту а:хирун наби: 'алаҳис-сала:м* деб сарлавҳа кўйилган (ҚР, II.101).

Мавлоно Саққокий девонидан ўрин олган наътга *Дар на'т-и Наби:, салла'лла:ху 'алайҳи вас-саллам* деб сарлавҳа кўйилган (Сак,96).

**ДУРУД** (<форс. *durud*) - мадҳ, салом. Пайғамбар мадҳи шу ном билан юритилган.

Адиб Аҳмаднинг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарида кечган наътнинг сўнги байтида наби алайҳис-саломга айтилган салом *дуруд* деб номланган. Мана ўша байт:

*Бу кун тэгсу мэндин дуруд ол йарын,  
Элиг тунтачымга эгирсә мунга.*

(Охиратда шафоат қўлини узатувчимга

Бугун мендан мадҳу саломлар тегсин) (ЮғВ,5).

**МАДҲ** (<ар. *madh* "мақтов" дегани) - мадҳ, мақтов.

Рабғузий ўзининг "Қисаси Рабғузий" асарини эътиборли мўғул бекларидан бўлмиш Носируддин Тўқбуганинг илтимосига кўра ёзди. Асар муқаддимасида унга атаб шеърин мадҳ битган. Ушбу шеър асарда *Фи мадҳи На:сируд-дин Тоқбуға бэг* деб бошланади (ҚР, I.10).

□ = қасида.

**МУНА:ЖА:Т** (<ар. *muна:ja:t*) - муножот, Аллоҳга ёлбориш.

"Қисаси Рабғузий"да асар давомида муножот битилган ва унга *муна:жа:т* деб сарлавҳа кўйилган (ҚР, II.128). Асарда бошқа бир ўринда келган муножотга *Муна:жа:т-и ила:ҳи:* деб сарлавҳа кўйилган (ҚР, II.112).

Алишер Навоий "Лисону-т-тайр" асарида ҳамдан кейин муножот битади. Асарда унга *муна:жа:т* деб ном берилган (ЛТ,9). Шунингдек, мазкур асар якунида Навоий талаб тарийқи адосида, ишқ, маърифат, истиғно, ҳайрат, тавҳид, фано тарийқи адосида муножотлар битган. Ушбу бўлимлар ҳам дostonда *муна:жа:т* деб номланган (масалан: *Талаб тари:ҳи адасыда муна:жа:т; 'Ишқ тари:ҳи адасыда муна:жа:т* ва шу каби) (ЛТ,228-236).

**Насрда ёзилган диний-фалсафий асарлар**  
**НОМ** (<суғд. *nom*). 1) диний таълимот; 2) буддий-ликнинг муқаддас китоби.

◆ *ном битиг*. Турк будда муҳотида яратилган йирик диний асарлар, авлиёлар қиссаси, муқаддас китоблар, сутралар *ном битиг* номини олган. Чунончи, будда фалсафасининг муқаддас китобларидан бири "Майтри сит"нинг қадимги туркий тилдаги версияси *Майтри сит ном битиг* ("Майтри билан учрашув нўм битиги") деб аталган. Ёки "Суварнапрабҳаса" суграсининг X асрда Сингку Сели тутунг табғаччадан туркий тилга таржима қилган версияси шундай аталади: *Алтуи ёнгулг йаруқ йалтрықлығ қонда кōтрулмуш ном әлиги атлығ ном битиг* - "Олтин рангли нур товланадиган, ҳаммадан буюк бўлган китоб тождори отли нўм битиг". Ушбу асар фанда "Олтун ёруғ" отини олган.

*ном әлиги* - буддийликнинг тождор китоби, шоҳсутра ("Олтун ёруғ"нинг тўлиқ номланишига қаранг).

**СУТУР~СУДУР** (<анат. *sutra*) - сутра, будда қиссалари, ҳикоятлари: *Судурта йарлықамыш-ол* - Сутрада шундай баён этилган (СЦ, V.38). Бу атама асар отига ҳам қўшиб айтилган: *Тишастаустик сутур* - асар номи (ДТС, 515).

**ШАСТАР** (<анат. *sastra*) - рисола, трактат: *Самтсо ачарынынг бу шастары ангысыз кōрклә уз турур* - Самтсў ачарининг бу шастари беҳад ажойиб бўлиб, маҳорат-ла ёзилган (СЦ, V.11).

◆ Манбаларда *шастар битиг* шаклида ҳам учрайди (ДТС, 520).

**ТАВРА:Т~ТАВРИТ** - муқаддас китоблардан бири (Қаранг: Мубай, 14).

"Сирожу-л-қулуб" асарида бу китоб ҳақида шундай ёзилган: ... "*Таврит*" атлығ кита:б (роза айынынг йә-тинчи куниндә) *Муса: пайғамбарға инди* (СҚ, 3а-3б).

Алишер Навоий "Тарих-и анбиё ва ҳукамо"нинг Мусо алайҳис-салом қиссаси бўлимида "Таврот"нинг нозил бўлишини ҳикоя қилади (ТАҲ, 213, 215, 219).

Уйғур ёзувли "Роҳату-л-қулуб" асарида "Таврот" дан мисол берилган. Матн шундай бошланади: *Ваҳа:б ибну Мунфа атлығ саҳа:ба разийалла:ху анху айтур-ким: "Таврит" кита:бында йигирми сөз кёрдим-ким, битиглиг эрди.* Шундан сўнг "Таврот" дан олинган йигирма ҳикмат келтирилади (Қаранг: РҚ, 146а-147а).

ЗАБУР - муқаддас китоблардан бири (қаранг: Мубай, 14).

"Сирожу-л-қулуб" асарида бу китоб ҳақида шундай ёзилган: ... *"Забур" атлығ кита:б (роза айыныг он учиндә) Да:вуд пайғамбарға инди* (СҚ, 3а-3б).

Алишер Навоий "Тарих-и анбиё ва ҳукамо" нинг Довуд бинни Ишо алайҳис-салом қиссаси бўлимида "Забур"ни тилга олади (ТАҲ, 222).

ИНЖИЛ - тўрт буюк китобдан бири (қаранг: Мубай, 14). Христианларнинг муқаддас китоби, хазрати Исо пайғамбарға нозил бўлган.

"Сирожу-л-қулуб" асарида бу китоб хусусида шундай ёзилган: ... *"Инжил" атлығ кита:б (роза айыныг он тоқузунди) Иса: пайғамбарға инди* (СҚ, 3а, 4а).

Алишер Навоий "Тарих-и анбиё ва ҳукамо"нинг Исо бинни Марям салавотудлоҳи алайҳ қиссаси бўлимида: *"Инжил" Иса: алайҳис-сала:мға назил болды,* - деб ёзади (ТАҲ, 233).

ҚУР'А:Н (<ар. *Qur'a:n*) - Аллоҳ тарафидан Муҳаммад алайҳис-саломга Жаброил алайҳис-салом ваҳийлигида нозил бўлган муқаддас китоб.

Уйғур ёзувли "Сирожу-л-қулуб" асарида бу китоб хусусида шундай ёзилган: ... *"Фурқан" (роза айыныг йигирми бэшидә) Муҳаммад алайҳи сала:мға инди* (СҚ, 3а, 4а-4б).

Қуръоннинг қўлёзмалари мусулмон дунёсида кенг тарқалган. Унинг айрим нусхалари ўта маҳорат билан тайёрланган. Қўлёзманинг бадий безакларига алоҳида эътибор берганлар. Саҳифаларига ажойиб нақшлар ишланган, матн зарҳал жадвалларга олинган. Муқоваси чармдан ишланиб, зийнатланган. Бундай китоблар учун



энг қимматбаҳо қогоз танланган. Қуръон саводди ва моҳир хаттотларгагина буюртириб кўчиртирилар эди. Матни нафис хатда битилган. Қуръоннинг бадийи безаксиз, оддий қўлёзмалари ҳам кўп.

Тошкентдаги Темурийлар тарихи музейида Қуръоннинг халифа Усмон даврида кўчирилган куфа ёзувли қимматли қўлёзмаси сақланмоқда. Бу қимматли қўлёзма "Музҳаби Усманий" деб юритилади. Китобни Амир Темураб араб мамлакатларига зафарли юртини чоғида ўз пойтахти Самарқандга келтирган эди.

Қуръон-и Карим оятлари фақат Қуръон китобидагина эмас, бошқа манбаларга ҳам киритилган. Ўша манбаларда оятлар умумий матидан ажратиб, баъзан ўзга ранг ёки хат услубида битилган. Қуръон оятлари мусулмон даври эпиграфикасида ҳам катта ўрин тутади. Улар сарой ва мадраса, масжиду мақбараларнинг пештоқларига, гумбазларига, қабр тошларига битилган.

Қуръоннинг туркий таржималари ҳам бор. Унинг илк таржималари бошлаб Қорахонийлар давридан ямалга оширилган. Лекин туркий таржималари у қадар кенг ёйилмаган кўринади. Бунинг сабаби мусулмон дунёсида бу муқаддас сатрларни оригинал тилда ўқишга эҳтиёж катта эканлигида чиқар.

◆ *Қур'ан-и Карим.*

□ = *Кала:м; Фурқа:н.*

КАЛА:М (<ар. *Kala:m*) - Қуръон-и Карим манбаларда шу ном билан ҳам аталган (ТАҲ, 199).

◆ *Кала:му-а-ла:ҳ* - Аллоҳнинг каломи, Қуръон-и Карим.

□ = *Қур'ан; Фурқа:н.*

ФУРҚА:Н - Қуръон-и Карим 25- сурасининг номи; Қуръон шу ном билан ҳам аталган.

Заҳририддин Бобур "Мубаййин" да ёзади:

*Бу кутубдын-ки, тўртдур машхур,*

*Бири Тавра:тдур, бири Забур.*

*Йана Инжил-у йана Фурқа:ндур,*

*Эмди машхур аты Қур'андур (Мубай, 14).*

□ = *Қур'ан; Кала:м.*

**ТАФСИР** (<ар. *tafsir*). Қурон-и Карим сураларининг шарҳи шундай аталган.

Муфассирлар ўз билим даражасидан келиб чиқиб сураларни турлича, имкон қадар, бир-бирларидан яхшироқ шарҳлашга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам ҳар қайси муфассир нусхасини мустақил версия сифатида қабул қилмоқ лозим.

Тафсир китоблари икки шаклда тузилган: баъзиларида аввал Қуръон суралари келтирилиб, сўнг айни сураларнинг шарҳи келтирилади; айримларида эса тўғридан-тўғри тафсирга ўтилаверган.

Тафсирлар уч тилда тарқалган: арабча, форсча, туркийда. Туркийлари Х асрдан яратила бошлади. Бизгача уларнинг бир неча қўлёзма нусхаси етиб келган. Энг эскиси туркшуносликда "Ўрта Осиё тафсири" ~ "Туркий тафсир" номлари билан юритилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу тафсир Қурон-и Карим муайян қисмининг таржимаси ва китоб сураларининг шарҳидир. Чунинчи, дастлабки қисмлари таржима, сўнгги бўлимлар эса шарҳдан иборат. Асар қўлёзмаси Қаршидан топилган бўлиб, ҳозир Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда (С 197- рақамли қўлёзма). Асарнинг яратилган даври ҳам, қарни қўлёзмасининг кўчирилув санаси ҳам номаълум. Мутахассислар уни XII-XIII асрларга мансуб, леб тахмин қилмоқдалар. Асарнинг тили ҳам, матннинг ёзув хусусиятлари ҳам шундан далолат беради. Олим Қ. Маҳмудов кириш сўзи, тадқиқоти билан ушбу асарнинг факсимилини чоп эттирди (Таф.). У мазкур асарнинг транскрипцияси ва ўзбекча талқинини ҳам нашрга тайёрлаб қўйибди. Лекин бу иш ҳали нашр этилган эмас.

**ҲАДИС** (<ар. *hadis*) - ҳадис, ҳар сўзланганда янги хабар янглиғ тингланмоқда лойиқ, Расул алайҳиссаломнинг сўз-ўғутлари, амри, Суннат-и Набавийя. Ҳадисдан баҳс этган илм.

Мусулмон Шарқида ҳадис китоблари ниҳоятда кенг ёйилган. Илк ҳадислар китоби халифа Умар ибн Абдула-

зиз даврида тузилган эди. Кейинчалик ислом мамлакатларида, хусусан, Маворауннаҳрда етук муҳаддислар етишиб чиқа бошлади. Булар томонидан кўплаб ҳадис китоблари таълиф этилди. Ҳадис илмида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг номи машҳур. Имом Бухорийнинг тўрт жузли "Ал-Жомий ас-саҳиҳ"и мавжуд ҳадис тўпламлари орасида энг ишончли ва мукаммалдир. Китобга энг саҳиҳ ҳадислар жамланган.

Мумтоз шеърятда ҳадислар мазмуни асосида шеърин асарлар ҳам яратилган. Туркий адабиётда бу анъанани Адиб Аҳмад Югнакий бошлаб берди. У ўзининг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарида билим ўрганишининг фойдаси, ахлоқ-одоб, тилни ортиқча сўзлардан тийин, саҳийлик, тавозелик каби инсоний масалалар борасида баҳс юритар экан, муқаддас сатрларга мурожаат қилади: оят, ҳадислардан келтириб, уларнинг маънисини ўз ўгуллари билан талқин этади. Адиб ҳикматлари оят, ҳадислар билан уйғунлашиб ўз тасдиғини топади.

Туркий адабиётда Алишер Навоий ҳам ҳадислар асосида асар ёзди. У "Арбаин"дир. Асарнинг "Чеҳил ҳадис" деган оти ҳам бор. "Арбаин" - муқаддима, қирқ ҳикматли қитъа ва хотимадан тузилган шеърин асар. Қитъалари қирқ арабий ҳадис мазмунидан келиб чиқиб ёзилган. Шу билан, "Арбаин"нинг бари кўлёмаларида ҳар қайси тўртлик билан бирга мазмунидан фойдаланилган ҳадис ҳам ёзиб қўйилади. Навоий "Арбаин"и унинг куллиётларида, бошқа асарлари билан бирга ёки алоҳида китоб ҳолида кўчирилган. Унинг Абдурахмон Жомий "Арбаин"и билан бирга кўчирилган нусхалари ҳам бор.

"Қисаси Рабғузий" асарида ўрни билан Расул алайҳис-салом ҳадисларидан келтирилиб, уларнинг туркча маъноси берилади. Асарда ушбу ҳадисларнинг бошланшига *ҳадис* деб сарлавҳачалар қўйилган (масалан, қаранг: ҚР, I. 144, 163).

◆ *ҳадис-и қудси* - маъноси пайғамбаримизга ваҳий бўлган ёки илҳом этилган қудсий калом.

*ҳадис-и мурсал* - пайғамбаримизнинг ўз оғизларидан эшитилгани билдирилган Ҳадис-и шариф.

*ҳадис-и саҳиҳ* - шубҳа остига олинмаган Ҳадис-и на-бавий.

**МАС'АЛА** (<ар. *mas'ala*) - диний мавзудаги тортишув, муҳокама, баҳс, мунозаралар шу ном билан юритилган. Бу турдаги асарлар *мас'ала кита:бы* дейилган. Британ музейида сақланаётган Ог.8193 рақамли уйғур хатида битилган мажмуа таркибидаги асарлардан бири ҳам айни номда. Унда 43 масъала берилган бўлиб, ҳар бири *мас'ала* деган сарлавҳа билан бошланади. Асар якунига эса *Тамам болды Мас'ала кита:бы* деб қайд этилган (МасК,1356).

**Афсона, ривоят, фолнома ва бошқа асарлар**

**ЫРҚ БИТИГ** - таъбирнома, фолнома.

Қадимги туркийда *ырқ* - "фол", *ырқ битиг* - "фол китоби" деган маънони англатади.

Бизгача қадимги турк моний муҳтида яратилган "Ирқ битиги" асари етиб келган. У кўк турк ёзувида битилиб китоб ҳолида сақланган ягона асардир [нашрига қаранг: Айдаров 1990, 146-169]. Асар туш кўриш ва унинг таъбирига бағишланади. У Исиг Сангун ва Итечук исмли икки нафар ўғлонга аталган, муаллифи номаълум. Афтидан, уларнинг отаси (устози?) насихат тарзида битган кўриниши.

Асар якунида унинг номи қайд этилган: *Эмти амрақ огланым, анча билингләр бу ырқ битиг эдгу-ол* - Энди суюкли ўғилларим, билиб қуйинглар, бу ирқ битиг (таъбирнома) ийилидир (ИБ,65).

**ПУРАНИ** (<анат. *purana*) - афсона, будда афсонаси (ДТС,398).

**АФСА:НА~ФАСА:НА** (<ар. *afsa:na~fasa:na*) - афсона.

Алишер Навоий "Сабъай сайёр" достонида етти иқлим йўлидан келган мусофирларнинг ҳикояларини келтиради. Мазкур ҳикояларни муаллиф дostonда *афса:на~фаса:на, ҳика:ят, да:ста:н* деб атаган.

**ҚИСАС** (<ар. *qisas*) - қисса.

Бурҳонуддин Рабғузний ўз асарини "Қисаси ал-Рабғузи:" деб номлади. Асар муқаддимасида бу хусусда шундай ёзади: *Эртиклигә онгай, истәклигә Тәбрәй болсун тәб "Қисаси ал-Рабғузи:" ат бәрдимиз* (ҚР, I.11). Асар якунида эса *Талмат Қисаси-ал-Рабғузи: ...* деб қайд этилган (ҚР, II.217).

Ушбу асарнинг иккинчи оти "Қисасу-л-анбийа:" дир. Бу ҳақда муаллиф: *"Эмди сәнуиғ зиммангдын чиққан, қаламунгдын аққан, китабатма сәнинг, иба:ратма сәнинг болуп бизгә "Қисасу-л-анбийа:" болса, оқумағқа кәрәклиғ, оғрәймәккә йариғлығ болғай эрди, тәп илти-ма:с йанғлығ иша:рат болды"*, деб ёзади (ҚР, I.11).

Асарда анбиёларга бағишланган ҳар қайси бўлим ҳам *қисас* деб номланган. Масалан: *Қисаси А:дам сафи: 'алайҳис-сала:м; Қисаси Идрис 'алайҳис-сала:м ва б.*

РИВА:ЙАТ (<ар. *riwa:yat*) - ривоят.

Ушбу атама "Қисаси Рабғузний"да шундай жумлада келади: *Калби: рива:йатъиҗа, дунйа:ли йәтмиш миғг йил улар тутдылар* (ҚР, I.14). Шунингдек, асарда Қобил ҳақидаги ривоят келтирилади. У *Рива:йатда андағ кәлур* деб бошланган (ҚР, I.31). Асарда кетган бошқа ривоятларга ҳам *рива:йат* деб сарлавҳа қўйилган (ҚР, I.107).

ҲИКА:ЙАТ (<ар. *hika:yat*) - ҳикоят, қисса.

"Қисаси Рабғузний"да ўрни билан ҳикоятлар келтирилади. Асарда уларга *ҳика:йат* деб сарлавҳа қўйиб берилган (масалан, қаранг: ҚР, I.34). Айрим ҳикоятлар эса асарда *ҳика:йат қылулар; ҳика:йатда андағ кәлур* каби жумлалар билан бошланади (ҚР, I.40).

Алишер Навоийнинг "Лисону-т-тайр" достонида ҳам, ўрни билан, ҳикоятлар келтирилади. Булар ҳам матида *ҳика:йат* деб сарлавҳаларга ажратилган (масалан: ЛТ, 39,41,44,45).

Британ музейида сақланаётган Ог.8193 рақамли уйғур ёзувли мажмуадан ўрин олган "Роҳату-л-кулуб" муқаддимасида мазкур асарнинг ҳикоятлардан тузилгани қайд этилган: *Билгил-ким, бир нечә ҳәка:йатлар "Роҳату-л-кулуб" кита:быдын ихтиё:р қылып битидук* (РҚ, I366).

ЛАТИФА (<ар. *latifa*) - кичик ҳикоя, латифа.

"Қисаси Рабғузий" асарида ўрни билан латифалар келтирилган ва матида уларга *латифа* деб сарлавҳалар қўйиб берилган (қаранг: ҚР, I.117, 127).

### Тўнламлар

ХАМСА (<ар. *hamsa*) - бешлик. Шарқ адабиётшунослигида беш мустақил дostonни бирлаштирган тўнлам шундай аталган.

Хамса икки тилда яратилган. Форсийлари Низомий Гапжавий ("Панж ганж"), Амир Хусрав Дехлавий ("Ҳафт бихишт"), Абдурахмон Жомий ("Ҳафт авранг") қаламига мансуб. Туркий "Хамса"ни Алишер Навоий ёзди (1483-1485 йиллар). "Ҳайрату-л-аброр", "Фарқод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъан сайёр", "Сади Искандарий" дostonларини ўз ичига олган ушбу "Хамса" 25600 байтдан ортиқ.

Навоий "Хамса"си яратилган кездан то XX аср бошларига қадар қўлёзма нусхалари кенг ёйилди. "Хамса"нинг китоб шаклидаги тўнғич нусхасини Навоийнинг ўз котибларидаги бири Абдулжамил битган. Котиб муаллиф билан ҳамкорликда ишлаб, асарнинг ёзилган қисмларини оққа кўчириб бораверган. Натижада у мазкур қўлёзмани муаллиф билан олдинма-кетин тугаллайди. Ушбу қўлёзма ҳозир Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (5018- рақамли қўлёзма).

Ҳозирги кезда қўлёзма фондларида Навоий Хамса"сининг кўпилаб нусхаларини учратиш мумкин. Мавжуд нусхаларнинг китобат шакли ҳар хил: "Хамса" нусхаларининг баъзилари Навоий асарларининг куллиётларида. Шунингдек, "Хамса" айри китоб ҳолида ҳам кенг ёйилган. Муҳими шундаки, мавжуд нусхаларда бешов дoston тўлиғ эмас, айримларига баъзи дostonлар киритилмаган. Айрим дostonлари ҳатто куллиётларда ҳам йўқ. Шунинг учун "Хамса"нинг қўлёзма нусхалари беш ёки тўрт, уч, икки дostonлидир.



Алишер Навоий Абдурахмон Жомийга бағишлаган ўзининг асарини "Хамсату-л-мутаҳаййирин" деб атади. Ушбу сарлавҳадаги "хамса"дан мурод - асарнинг беш бўлим (муқаддима, уч мақола ва хотима)дан иборат эканини билдиришдир. Бу хусусда муаллиф асар сўз бошида ёзади: ... *чун бу риса:ла хайа:ла кэлди, бина:сын бир муқаддима ва уч мақа:ла ва бир ха:тимага қойулды ва бэш даф'а сўзгә-ким, оқутучыларга көп мужибити таҳаййур эрди - "Хамсату-л-мутаҳаййирин" тамсиийа қылылды* (ХМ,8).

ДИ:ВА:Н (<форс. *di:va:n*). Шоир шеърларининг муайян тартибда берилган тўплами.

Туркий адабиётда девончилик анъанаси XIV асрдан бошланиб, XX юзйилликнинг бошларига қадар давом этди.

Туркий адабиётда бошлаб шеърларини жамлаб девон ҳолига келтирган шоир Бурҳониддин Сивасийдир (XIV аср). Кейин туркий шеърятда Ҳофиз Хоразмий девон тартиб берди. Бизгача Мавлоно Саккокийнинг ҳам девони етиб келган. Унинг мавжуд нусхаларида ўн уч қасида ва элликдан ортиқ ғазал бор. Адабиётшуносликда фақат ғазалиётдан иборат бўлувига қарамай, Сайфи Саройининг шеърий тўпланини-да девон санайдилар. Адабиётимиз тарихида Атойининг ҳам девон тузганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин унинг девони тўлиғича етиб келмаган.

Чигатой даври адабиётида Мавлоно Лутфий девони шуҳрат топди. Унинг кўлөзма нусхалари ҳозирги пайтда жаҳоннинг йирик кўлөзма фондларида ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда. Э. Аҳмадхўжаев шоир девони ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, 33 кўлөзма нусханинг тавсифини келтирган (Аҳмадхўжаев 1987,13-53).

Туркий лириканинг энг йирик мажмуаларини улуғ мутафаккър Алишер Навоий яратди. Унинг девонлари икки тилда. Форсий шеърятти "Девон-и Фоний"га жамлаган. Навоийнинг барча туркий шеърлари "Хазойину-л-маоний"га кирган. Лекин бунга қадар шоирнинг уч девони тузилган эди. 1465 йили Навоийнинг ҳиротлик мухлислари унинг шеърларини жамлаб девон туздилар. Шоирнинг

Йигит палласида тузилган бу тўплам "Илк девон" номини олган. Кейингисини 1469 йилдан кейин Навоийнинг ўзи тузди. Отини "Бадоеу-л-бидоя" қўйди. Учинчиси 1480-1487 йиллар орасида тузилди. Уни "Наводиру-и-ниҳоя" атади. 1492-1498 йиллар орасида аввалги девонларга кирган шеърлари, бу девонлар тузилганидан кейин ёзилган, турли сябабларга кўра аввалги тўпламларга кирмай қолган шеърларини жамлаб "Хазойину-л-маоний"ни тузди. Девон 16 турдаги лирик жанрни ўз ичига олади. У тўрт девонни қамрайди. Булар: "Ғаройибус-сиғар", "Наводиру-и-шабоб", "Бадоеу-л-васат", "Фавоиду-л-кибар" девонларидир.

Навоий "Хазойину-л-маоний"нинг сўнгги таҳририни 1498 йили амалга оширганлиги маълум. Демак, бу девоннинг аввалги ва ҳатто мукаммал нусхаларида ҳам учрамайдиган, адабиётшунослар томонидан кейинги чоғларда аниқланаётган айрим шеърлари ўша сўнгги таҳрирдан кейин - шоир ҳаётининг охиригача икки йилида ёзилган бўлиб чиқади. Бу шеърларни котиблар кейинчалик уларнинг мазмунидан келиб чиқиб девоннинг бирор бўлимига киритиб юборган ёки баёзларда келтирган бўлсалар, эҳтимол.

Қўлёзма фондларда "Хазойину-л-маоний"нинг кўплаб нусхалари сақланмоқда. У шоирнинг куллиётлари таркибида ёки айри шаклда ҳам китобат қилинган. Кейинчалик Навоийнинг лирик шеърларидан сайлаб, тўпламлар ҳам тузилган. Булар *тэрмә ди:ва:и* номи билан юритилади.

*Ди:ва:и* атамаси манбаларда кўп учрайди. Масалан, XV аср туркий адабиётининг машҳур намояндаси Мавлоно Саккокий девонининг икки қўлёзмаси маълум. Бири Британ музейида Ог.2079 рақами остида, иккинчи қўлёзмаси Ўз ФА Шарқшунослик институти фондида 7685 рақами остида сақланмоқда. Қўлёзмада унга *Ди:ва:и-и Мавла:на: Сакка:ки:* деб сарлавҳа қўйилган (қаранг: Сак,21-26,90).

Алишер Навоий ҳам "Ҳазойину-л-маоний"га кирган шеърӣ тўпламларининг ҳар бирини *ди:ван* деб қайд этди (қаранг: МЛ,119-120).

"Мажолис-и-нафоис"да "ўз замонининг малику-л-каломи" Мавлоно Лутфий ҳақида маълумот берар экан унинг "*туркча ди:ванли машҳурдур*" деб ёзади Навоий (МН,56). Шунингдек, мазкур тазкирасида Ҳусайн Бойқаро (=Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон) мероси ҳақида маълумот берар экан, "*ул ҳазратининг хоб аш'ари ва марғуб абйа:ти бағайят кўндур ва ди:ван ҳам мурабб болуптур*" деб ёзади (МН,137). Навоий Ҳусайн Бойқаронинг туркий девонига "Муҳокамату-л-луғатайн"да ҳам юксак баҳо берган: *Ди:ван дэмай-ки, баҳр-и умма:ндур* (МЛ,130).

*Ди:ван* атамаси, баъзан, "сўзлар мажмуи, луғат таркиби жамланган асар; луғат" маъносида ҳам қўлланган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлар изоҳини луғатини "*Ди:вану луғати-т-турк*" ("Туркча сўзлар девони") деб атаган. Туркшуносликда баъзилар *луғат* сўзининг "тиллар" маъносини назарда тутиб, бу асарни "Туркий тиллар девони" деб таржима қиладилар. Асарда Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги барча туркий лаҳжалар луғатини келтирган бўлишига қарамай, сарлавҳадаги *луғат* сўзини "тиллар" маъносида эмас, "сўзлар" маъносида қўллаган. *Ди:ван* сўзи эса "туркий сўзлар жамланган асар, луғат" маъносидадир. Шунга биноан, асар номини "Туркий сўзлар девони", "Туркий сўзлар луғати" деб тушуномқ керак.

МАЖМУ'А (< ар. *мажма'а*) - мажмуа.

Ўрта асрларда бир қанча муаллиф асарларини ёки турли жанр ва мазмундаги бадий асарларни жамлаган мажмуалар кенг тарқалган. Уларга бир даврда ё турли даврларда яшаб ижод этган шоирларнинг асарлари киритилиши мумкин. Китобат тарихида икки, ҳатто уч тилда яратилган асарларни жамлаган мажмуалар бор. Шунингдек, туркий мажмуаларнинг баъзилари икки ёзувли: уларда уйғур ва араб ёзувлари аралаш ишлатилган. Ма-

салан, Британ музейида *Or.8193* рақами остида 1432 йили Язд шаҳрида Мансур бахши кўчирган мажмуа сақланмоқда. Унга туркий "Сирожу-л-қулуб", "Масъала китоби", "Роҳату-л-қулуб", Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" достони, шунингдек, Лутфий, Жавҳарий, Қосим, Саййид, Мансур бахши, Қамбар ўғлининг ғазаллари ва тўртликлар киритилган. Ҳошиясида эса Камол Исмоил Исфahoнийнинг (XIII аср) форсий девони, сўнгги икки саҳифа ҳошиясида эса Рашидиддин Ватвот "Сод калима"сининг бир бўлаги ўрин олган. У араб ва форс тилидадир. Мажмуадаги туркий асарлар уйғур хатида, ҳошиядаги форсча девон араб ёзувида, "Сод калима" эса, форс ва араб тилида эканига қарамай, уйғур хатида битилган (қараг: Sertkaya 1975; Содиқов 1997,79-82).

◆ *мажму'а-и аш'ар* - шеърлар тўплами.

*мажму'а-и ҳикайат* - ҳикоятлар тўплами.

**КУЛЛИЯТ** (<ар. *kulliyat*) - куллиёт.

Бундай китобларда бир муаллифнинг бутун асарлари ёки асарларининг асосий қисми жамланган. Туркий адабиётшуносликда куллиётлар бошлаб Алишер Навоий асарлари учун тузилган. Бу юмушни шоирнинг ўз котибларидан бири Дарвеш Муҳаммад Тоқий амалга оширди: у XV асрнинг 90- йилларида Навоий билан ҳамкорликда ишлаб, унинг куллиётини тузиб чиқди. Куллиёт беш йил давомида (1495-1500) китоб шаклида якунланган. Навоийнинг кўзи тириклиги чоғида ўз назорати остида тузилган мазкур куллиётга унинг туркий тилдаги деярли бари асари ("Маҳбубу-л-қулуб"дан ташқари) тўпланган эди. Қўлёзмам ҳозир Истанбулдаги Тўпқони-Реван кутубхонасида (808- рақамли қўлёзма) сақланмоқда.

Навоий асарлари бўйича кейинги юзйилликларда ҳам кўшлаб куллиётлар тузилган. Туркий матнависликда бу ишъана XX аср бошларига қадар давом этди. Ҳозирги кезде қўлёзма фондларда мутафаккир асарларининг турли даврларда тузилган куллиётларини учратиш мумкин. Уларга кирган асарларнинг сони ҳам ҳар хил; тўпламнинг

таркиби уни тузган котиб ёки буюртмачининг хоҳиши, давр эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланган.

**БАЙА:З** (<ар. *baya:z*) - баёз.

Матнчилигимиз тарихининг уч хонлик даврида (XVII-XIX асрлар) баёз тузиш анъанаси ниҳоятда ивж олди. Баёзларга, одатда, турли даврда яшаб ўтган шоирларнинг шеърлари киритилган. Уларда мумтоз шеърининг айтарли бари турини (ғазал, мухаммас, мустазод, қасида, муаммо, рубоий, чистон, фард ва б.) учратиш мумкин. Жумладан, Ўз ФА Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон номли қўлёзмалар фондида сақланаётган 1483-рақамли баёзга Жомий, Навоий, Ҳилолий, Бедил, Саидо, Имло, Хувайдо, Ғиёсий, Ҳозиқ, Равнақ, Фузулий, Муқимий, Фурқат, Амирий, Фазлий, Машраб, Маъдан каби шоирларнинг ғазал, мухаммас, рубоий, наът, қасида ва б. шеърлари киритилган.

Айрим баёзларда шеърлари киритилган шоирлар сонни ниҳоятда кўп. Ҳатто юздан ортиқ шоир шеърларини жамлаган баёзлар бор. Баёзларда бизгача шеърини девони етиб келмаган шоирларнинг ҳам шеърлари тез-тез учраб туради.

Баёзларнинг икки тиллилиги ҳам бор. Айниқса, Ўрта Осиё адабий марказларида тузилган баёзлар кўпда ўзбекча ва тожикча шеърлардан иборат. Одатда, баёзни тузувчи ва котиб - икки киши ёки котибнинг ўзи унинг тузувчиси ҳам бўлуви мумкин.

**АШ'А:Р** (<ар. *aş'a:r*) - шеърлар тўплами шундай аталган.

Қарамағ: *шэ'р*.

□ = шеърлар тўплами *мажму'а-и аш'а:р* деб ҳам аталган.

**МАНЗУМА** (<ар. *manzuma*) - шеърлар тўплами.

Қарамағ: *назм*.

**ҒАЗАЛИЙА:Т** (<ар. *ğazaliya:t*) - бир ёки бир қанча муаллиф ғазалларини жамлаган китоб. Девонлар таркибига хирган ғазаллар ҳам *ғазалийа:т* деб аталган. Мат-

нда уларга шундай деб сарлавхалар қўйилган (Масалан, қараи: АД, 119).

Қараи: *гизал*.

**МУХАММАСА:Т** (<ар. *muhammasa:t*) - мухаммаслар тўплами.

Қараи: *мухаммас*.

**ҚАСА:’ИД** (<ар. *qasa:’id*) - қасидалар тўплами.

Қараи: *қасида*.

**РУБА:’ИЙА:Т** (<ар. *ruba:’iyat*) - рубойлар тўплами.

Қараи: *рубас’и*.

**ҚИТ’АА:Т~МУҚАТТА’А:Т** (<ар. *qit’aat ~ muqatta’a:t*) - қитъалар тўплами. Девонларда келтирилган қитъалар *муқатта’ат* деб аталган ва уларга шундай деб сарлавхалар қўйилган.

Қараи: *қит’а*.

**ФАРДИЙА:Т~МУФРАДА:Т** (<ар. *fardiya:t ~ mufrada:t*) - фардлар тўплами. Девонларга кирган фардлар *муфрада:т* деб аталган (масалан, қараи: АД, 307).

Қараи: *фард*.

**МУНШАА:Т** (<ар. *munṣaa:t*) - хатлар тўплами.

Туркий мактубларининг энг эскилари қадимги уйғур хоқонлиги давридан қолган. Шунингдек, Олтин Ўрда хонлари, теурийларининг туркий тилда битган кўплаб ёзишмалари маълум. Лекин улар жамлаиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Туркий адабиёт тарихида биринчи бўлиб ўз мактубларини бир китобга жамлаб муншаот тузган Алишер Навоийдир. Навоийнинг бу асари унинг куллиётларига кирган, шунингдек, муншаот якка китоб ҳолида ҳам кўчирилган.

**МУНТАХАБ** (<ар. *munṭahab*) - муайян масала бўйича бир ёки бир неча муаллиф асарида олиб тузилган тўплам, сайланма китоб.

## Шарҳлар

**ЙОРУГ**. Бу сўз қадимги туркийда "шарҳ, асар мазмуни, тафсилот" маъноларини аниқлаган. Масалан: *нāчā*



ном билмиш, йўруғ уқмыш билгәләр бар әрсәр - неча уламо, шарҳни уққувчи донишмандлар бор әрса (СЦ, V. 12). Ёки "Девону лугатит турк"да: *сөз йўруғи* - сўзнинг маъниси (МК, III. 26); *туш йўруғи* - туш таъбири (МК, III. 25). "Қутадағу билиг"дан "таъбир" маъносига мисол:

*Қара 'ам тушингә йўруғи адын,  
Адын болды бәгләр туши, кәр, адын.*

(Қора авом тушига таъбири бўлақдир,  
Беклар туши бўлак бўлади, унга ўзгача қара)  
(ҚБВ, 2166).

◆ *йўруғ битиг*. Ушбу атама *йўруғ битиг* шаклида ҳам кўлланиб, "шарҳ, китоб" маъносини билдирган. Масалан; "Сюань-цзан кечмиши" асарида: *Самтеа ачари йўруғ (битиг) интә мунтағ сөзләйур* - Самтеў ачари ўзининг йўруғ китобида бундай дейди (СЦ, VIII. 7).

**ШАРҲ** (<ар. *ṣarḥ*) - шарҳ.

Ўрта аср Шарқда шарҳлар илмий, фалсафий, диний асарларга тузилган. Табиийки, чуқур илмий ва фалсафий рисолалар мазмуни кенг оммага ҳар доим ҳам осон тушунилавермаган. Шу боис, бундай асарлар билан ёнма-ён уларнинг шарҳлари ҳам юзага кела бошлади. Жумладан, Абу Наср Форобий Аристотель меросини чуқур ўрганиб, унинг деярли бари асарига шарҳлар ёзди. Форобий шарҳлари Аристотелни Шарқда машҳур қилган эди.

Шарҳ мутафаккирларининг асарларига ҳам ўнлаб шарҳлар тузилган.

Мусулмон дунёсида Куръон-и Карим сураларининг шарҳлари-да кенг ёйилган. Улар *тафсир* номи билан юритилади.

**ТАФСИР**. "Насрда ёзилган диний-фалсафий асарлар" бўлмаганга айни атамага қаранг.

**МУФАССАЛ** (<ар. *mufassal*) - бир ёки бир неча асарнинг шарҳлари билан берилган мукамал тўплами.

**МУХТАСАР** (<ар. *muhtasar*). Бундай китоблар йирик асарларнинг қисқартма баёнидан иборат бўлган.

**БАЙА:Н** (<ар. *bayu:n*)- муайян масаланинг баёни, изоҳи, аниқлаш.

Мазкур атамани Заҳриддин Бобур ўзининг "Мубаййин" асаридида қўллайди. У асарнинг бирор масалага бағишланган бўлимларини *байа:н* атамаси билан қайд этади: *Намаз вақтларининг байа:ны; Қиза: билә каф-фа:рат байа:ны* ва б. (қаранг: Мубай.).

**ҚА:МУС** (<ар. *qa:mus*) - қомус, энциклопедия.

Ўрта аср қомуслари, асосан, араб тилида.

### Битиггошлар

**БАНГУ~МАНГУ, БАНГУ~МАНГУ, БАНГУ~МАНГУ.** Қадимги туркийда ушбу сўз, асосан, "мангу, абадий" маъносини билдирган. Маҳмуд Қошғарий луғатида: *мәңгү* - мангу, абадий (МК, III.388). Кўк турк обидаларида, ўрни билан, "ёдгорлик, ёднома" маъносини ҳам билдиради. Жумладан, енисей битиглари шундай номда. Мисолларини кузатинг: *Чаб Шатун тарқан бәнгуси тикә бәртимиз* - Машхур Шатун тархон ёдгорлигини тикдик (Е,30); Енисей бўйларидан топилган бошқа бир қабр тошида шундай сатрларни ўқиймиз: *Төрт оғлум бар учун бәнгумин тикти. Кулуг ана-бән* - Тўрт ўғлим бор учун (улар) ёдгорлигимни тикди. Машхур отадирман (Е,20). Бошқа бир ёдгорликда унинг қахрамон шарафига ўриятилгани таъкидланади: *Эр бәнгуси бу әрмиш* - Бу ботирга тикилган ёдгорликдир (Е,27). Ёки бошқа битигларда: *Ол қаным элиминг бәнгуси Қара сәнгир(тә)* - Менинг хоним ва элимнинг ёдгорлиги Қора сангирда (Е,24); *Эр эрдәм учун ишим әчим уйарын учун бәнгумин тикә бәрти* - Мардлигим учун, оға-иниларимнинг обрўси учун менга мангуташ тикдилар (Е,28).

◆ Мазкур сўз *бәнгуташ, бәнгукәйя* шаклларида ҳам қўлланган.

*бәнгү балбал.* Қаранг: *балбал.*

**БАНГУТАШ~БАНГУТАШ.** Кўк турк хоқонлиқлари муҳотида яратилган кўк турк ёзувни қабр битиглари ана шундай аталган. Чунончи, саркарда Кул тигин хотирасига

Навоний ўз мактубларини баъзан *раса'ул* деб ҳам атаган: *Йана дағи раса:’улға қалам сурун-мэн ва мак:тибға рақам урун-мэн* (МЛ,121).

ТАЗКИРА (<ар. *tazkira*) - тазкира.

Туркий тилдаги энг эски тазкира Фариддин Атторнинг форсча "Тазкирату-л-авлиё" асарининг "Тазкира-йи авлиё" шаклида аталган туркий таржимасидир. Унинг уйғур ва араб ёзувли қўлёзма нусхалари маълум. Уйғур ёзувли нусхасини 1436-1437 йилларда Ҳиротда Абу Маллик бахши кўчирган. Асар "Меърожнома" билан бир жилда. Қўлёзмаси ҳозир Париждаги Миллий кутубхонада (Supl.Turc. 190) сақланмоқда. Асар якунида унинг тазкира эканлиги қайд этилган: *Эмди тазкирада битилгән маша:йиҳ авлия:ларнинг ҳика:ят сўзләри тугатилди* (Sertkaya 1977,13).

Туркий манбашунослик тарихида фоят муҳим ўрин тутган икки тазкирани Алишер Навоний ёзди. Булар "Насойиму-л-муҳаббат" ва "Мажолису-н-нафоис"дир. Биринчиси машоийҳ ва авлиёларга аталган. "Мажолису-н-нафоис" эса адабиётшуносликка оид.

Темирлийлар ва шайбонийлар даври адабиётшунослигида ушбу адабий муҳит ҳақида маълумот берувчи уч тазкира шуҳрат қозонган эди. Булар Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират-уш-шуаро", Алишер Навонийнинг "Мажолису-н-нафоис", Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаққири аҳбоб" тазкираси. Нисорийнинг ўзи ҳам асарини бу даврда яратилган тазкираларнинг учинчиси санаган эди. Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасини Навонийнинг таклифи ва маслаҳати билан 1488 йилда ёзди. Асар форсийда бўлиб, X-XV асрларда янаб ижод этган 150 га яқин адабиёт аҳли ҳақида маълумот берилган. Унда, асосан, форсий адабиёт намояндалари ҳақидаги маълумотлар жамланган эди.

Туркий тилда ёзилган ва туркигўй адиб-ижодкорлар ҳақида кенг маълумот берувчи биринчи тазкира Навонийнинг "Мажолису-н-нафоис"идир. Навоний ушбу асарида XV аср Маворауннаҳр, Хуросон икки тилли адабиётини

умумий жараён сифатида қарайди; бу муҳитда яшаб туркий ва форсийда ижод этган шоир-ёзувчилар ҳақида маълумот беради. Асар икки қайта тузилган. Биринчи варианттини 1490-1491 йилларда, иккинчи - тўлдирилган, қайта ишланган шаклини 1497-1498 йилларда амалга оширади. Мавжуд қўлёзмаларни ўзаро қиёслаш натижасида иккинчи таҳрирдан сўнг Навоий ўз тазкирасида 461 шоир ҳақида маълумот бергани аён бўлади.

Мовароуннаҳр, Хуросон адабий тазкиранавислигининг учинчи йирик тазкираси Ҳасанхожа Нисорийнинг форсийда ёзилган "Музаққирӣ аҳбоб"идир. Асар 1566 йилда ёзиб тугалланган. Унда XVI асрда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон, Шарқий Туркистонда ўтган 288 туркигўй ва форсийзабон шоирлар ҳақида маълумот берилган. Муҳими, ушбу асарда туркигўй шоирлар асарларидан олинган байтлар туркийда келтирилади.

XIX асрнинг биринчи ярми Кўқон адабий муҳитида Абул Карим Фазлий Наманганий "Мажмуа-и шоирон" тазкирасини ёзди. Ўзбек адабиётшунослигида тазкиранавислик анъанаси XX асрнинг биринчи ярмида ҳам давом этди. Хоразмлик олим ва шоир Ҳасанмурод Лаффасий "Хева шоирлари", "Тазкира-и шуаро" асарларини яратди. Уларда муаллиф XIX аср охири - XX аср бошларида Хева холиғи ҳимда Муҳаммад Раҳимхон II Феру саройида ижод этган шоирлар ҳақида маълумот беради, уларнинг асарларидан намуналар келтиради.

60-йилларда адабиётшунос Пўлатжон Қайюмий ҳам тазкира тузган. Унинг асарида адабиётимиз тарихининг турли даврларида из қолдирган шоирлар жамланган. Адабиётшунослиқда ушбу асар "Тазкира-и Қайюмий" деб юритилади.

**ТАРИХ** (<ар. *tarih*; кўпчилиги: *тава:рих* <ар. *tavarih*) - тарих китоби. Ўрта асрлар тарихнавислигида тарих китоблари шу ном билан аталган.

Алишер Навоийнинг тарихга оид икки асари маълум: "Тарихи мулуки аҷам", "Тарихи анбиё ва ҳукамо". Би-

ринчисида Эроннинг афсонавий ва тарихий ҳукмдорларидан тўрт сулола тарихи - Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосоний подшоҳлар ҳақида маълумот беради. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да эса тарихда ўтган пайгамбарлар ҳаёти ва фаолияти, илм аҳллари ҳақида фикр юритилган.

"Муҳокамату-л-луғатайн"да Навоий "Хамса"дан кейин "Зубдату-т-таворих" ("Тарихлар хулосаси") асарини ёзганлигини маълум қилади: *"Зубдату-т-таворих" адаб-син тузуп-мэн, сала:тин олгән атын бу ҳайва:н суйы билә тургузуп-мэн* (МЛ,120). Лекин ўзбек навоийшуносларига бу номли асар маълум эмас. Мутахассислар буни "Тарихи анбиё ва ҳукамо" ҳамда "Тарихи мулуки ажам"нинг умумий номи бўлса керак, деб тахмин қилиб келмоқдалар.

Абулғозий ҳам ўз асарларини тарих деб атаган. Жумладан, у "Шажара-йи турк"да ёзади: *Чингизхан авла:дыдын ҳар йуртда откән па:дша:ҳларнынг атларыға ба'зиларыға он тарих, ба'зиларыға йнгирма тарих ва ба'зиларыға оттуз тарих айтып турурлар. Эра:н бирлән Тура:нда откән Чингизхан оғланларынынг атларына айтылган тарихлардын ушбу зама:н фақирнынг алдында он сзккиз мужаллад ҳа:зир турур* (Абулғозий 1992,11).

Тарих атамаси матнларда сана(йил,ой,кун)ни ҳам билдирган. Муайян воқеалар, қўлёзма ё асар битилган, ёзиб тугалланган сана тарих деб қайд этилган. Масалан, "Шажара-йи турк"да Абулғозий вафотининг санаси шундай таъкидланади: *Тарих минг тақы йэтмиш төртдә ва тавеушқан йылында ва рамаза:ну-л-муба:рак айында да:ру-л-фана:дын да:ру-л-бақа:ғи рихлат қылды* (Абулғозий 1992,188). Ушбу тарих асар ниҳоясида келтирилган. Маълумки, китобнинг охирини Абулғозий битиб улгурмаган. Кейинчалик уни Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий давом эттириб, якунлаган. Шунинг учун унда Абулғозий вафотининг санаси қайд этилмоқда.

*Тарих* атамаси шеърый санъат(муаммонинг бир тури)ни ҳам англатади. "Шеърлар" бўлимидаги тарих атамасининг изоҳига қаранг.

**ШАЖАРА** (<ар. *şajara* "дароҳт" дегани). Бирон сулола, насаб тармоғини акс эттирувчи тарихий ҳужжат.

Шажаралар айри ҳужжат кўринишида бўлган ёки тарих китобларига киритилган. Тарихнавис Рашидиддин қаламига мансуб "Жомеу-т-таворих" асарининг Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмасида (1620) Ўктойхон (Угедей) насабининг шажараси берилган (109а,б-110а- саҳифалар). Шажаранинг бошида Ўктойхон ва унинг аёли акс этган рангли миниатюра бор. Унинг ёнига араб ёзувида *Surat-i Oktayhan hatun va farzandan* ҳамда унинг ёстига уйғур хати билан туркий тилда *Сурат Октайхан хатун уруғ оғланлари* деб ёзиб қўйилган. Шажара ҳам икки хил ёзувда: шахсларнинг оти уйғур ва араб хатларидадир.

Бирон халқнинг тарихи, келиб чиқишига бағишланган тарих китоблари ҳам баъзан "шажара" отини олган. Муаррих Абулғозий ўзининг туркий улусларнинг келиб чиқишига бағишланган тарих китобларини "Шажара-йн турк" ("Турклар шажараси") ва "Шажара-йн тарокима" ("Туркманлар шажараси") деб атади. Мауллиф бу хусусда ёзади: *Тарих ҳижри: минг тақъи йэтмиш тёрт эрдиким, биз бу кита:бни ибтида: қылдуқ ва тақъи "Шажара-йн турк" дэл ат қойдуқ* (Абулғозий 1992,12); ... *тақъи кита:бни айтмаққа ружу' қылдуқ тақъи бу кита:бга "Шажара-йн тара:кима" тэл ат қойдуқ* (Абулғозий 1995,6).

*Шажара* атамаси шеърый тармоқни ҳам билдирган. Масалан, Алишер Навоий "Мезону-л-авзон"да рубоий ўлчовларини баён этар экан, *ахрам* ва *ахраб* шажараларини келтиради. Мауллиф уларни *ахрам шажараси*, *ахраб шажараси* деб атайди (қаранг: МА,159-160).



**КА:ФИЙА** (<ар. *ka:fiya*). Араб тилини ўрганиш учун тузилган қўлланмалар шундай аталган. Кофия китоблари, асосан, форсийда битилган. Тукийси йўқ.

**САРФ-У НАҲВ** (<ар. *sarf-u nahv*). Грамматика китоби. Бундай китобларни *'илм-и наҳв* ҳам дейилган.

**ЛУҒА:Т** (<ар. *luğa:t*) - луғатлар, калималар. Луғат китоблари ҳам шу ном билан аталган.

**УРЖУЗА** (<ар. *urjuza*). Илмий мавзудаги шеърий асар шу ном билан юритилган. Уржуза, асосан, араб шеъриятида учрайди. У ражаз баҳрида ёзилган.

Ўрта аср илмий шеъриятининг энг ажойиб намуналари Абу Али ибн Сино ижодида учрайди. Унинг шеърлари фалсафа ва фаннинг муайян соҳаларига бағишланган. Масалан, унинг тиббиётга оид саккизта уржузаси маълум. Булар:

"Уржузат фи-т-тибб" - "Тиб ҳақида уржуза"; "Уржузат фи-т-ташрих" - "Анатолия ҳақида уржуза"; "Уржузат фи-л-мужаррабат" - "Синодан ўтган буюмлар ҳақида уржуза"; "Уржуза фи фусул ал-арбаа" - "Тўрт фасл ҳақида уржуза"; "ал-Уржузат фи-л-васайа ат-тиббия" - "Тиббий васиятлар ҳақида уржуза"; "Уржузат фи васайа Букрат" - "Букрот васиятига бағишланган уржуза"; "Уржузат фи хифз ас-сиҳҳа" - "Сиҳҳатни сақлаш ҳақида уржуза"; "Уржузат фи-л-бах" - "Мувозанат ҳақида уржуза".

### Ҳуқуқий матилар ва мактублар

**ЙАРЛЫҚ~ЙАРЛЫҒ~ЖАРЛЫҒ~ЖАРЛУҒ** - ёрлик, хон, бекларнинг фармонлари, расмий ҳужжат. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра: йарлығ - хоннинг хати, фармони (МК, III, 49).

Олтин Ўрда хони Темур Кутлуғнинг 1397 йили уйғур ва араб ёзувларида ёздирган фармони матида *йарлық* деб қайд этилган: ... *алтун ныша:нлық, ал тамғалық йарлық бэрилди* (Радлов 1888, 51-52- сатрлар). Тўхтамишхоннинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган битиги ҳам *йарлығ* деб аталган.

Қирим хони Ҳожи Гирейнинг 1453 йили ёздирган тархонлик ёрлиғи-да матнда *йарлығ* дея қайд этилган: ... *алтун ниша:нлығ, ал тамғалығ йарлығ бәрдимиз* (Kugat 1940,67).

Мазкур атама "Ўғузнома"нинг уйғур ёзувли қадимги туркий версиясида *жарлығ~жарлуғ* шаклларида келган.

**БИЛДУРГУЛУК** - билдиргулик.

"Ўғузнома" достонининг уйғур ёзувли версиясида Ўғузхон билдиргулик битиб элчиларидан бериб юборганлиги ҳикоя қилинади: *Кэнә андан сонг Оғуз қаған төрт сарыға жарлық жумшады. Билдургулук битиди, элчиләридә бәрип йәбәрди* - Мана шундан сўнг Ўғуз хоқон тўрт томонга ёрлиқ юборди. Билдиргулик битиб, элчиларидан бериб юборди (ТЭЁ, 98-99). Достонда Ўғуз юборган ана шу билдиргуликнинг матни ҳам келтирилган (ўша жойда).

**ӨТУГ.** Қадимги туркийда "илтимос, ўтинч" маъносини англатган. Маҳмуд Кошғарий луғатида: *Ол ханқа өтуг өтунди* - У хонга ўз воқеасини сўзлади (МК, I.208).

◆ *өтуг битиг* - илтимоснома. "Сюань-цзан кечмиши" асарида Сюань-цзан тавғач хонига мактуб - илтимоснома йўллайди. Ушбу мактуб асарда *өтуг битиг* деб номланган: *ханқа ыда ... өтуг битиг қылты* - хонга илтимоснома билан мурожаат қилди (СЦ, VI.22). Асарда ушбу илтимосноманинг матни ҳам берилган (қаранг: СЦ, VI.22-25).

**БУЧУНГ~ВУЧУНГ** (<хитой. *po-chun*) - тилхат (ДТС, 119,635).

◆ Хужжатнинг асл нусхаси *онг битиг*, унинг ўрнига берилган тилхат эса *бучунг битиг* дейилган: *Онг битиги йоқ болмышқа бучунг битиг бәрдим* - Асл хужжат йўқолгани учун, ўрнига тилхат бердим (ДТС, 119).

□ = *чув.*

**ЧУВ** - тилхат (қаранг: ДТС, 157).

□ = *бучунг~вучунг.*

**НИША:**Н. қаранг: *ниша:н* (3).

**БИТИГ.** қаранг: *битиг* (3).

**ВАҚФИЙА** (ар. *vaqfiya*) - вақф ҳужжати.

Вақф қондалари баён этилгани боис Алишер Навоий ҳам ўз асарини "Вақфийа" деб атаган.

**МАКТУБ** (<ар. *taktub*; кўлиги: *мака:тиб* <ар. *taka:tib*) - мактуб, хат.

Алишер Навоий "Муниаот"га кирган мактубларини *битиғ, мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, ишша:, арзада:шт, ина:йат, ина:йатна:ма* номлари билан атайдди. "Муниаот"ни эса *мака:тиб* деб ҳам атайдди: *Йана дағи раса:йилға қалам суруп-мэн ва мака:тибга рақам уруп-мэн* (МЛ,121).

□ = *битиғ (3), на:ма, руқ'а, ниша:н, ишша:, арзада:шт, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3)*.

**РУҚ'А** (<ар. *ruq'a*) - Алишер Навоий "Муниаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = *битиғ (3), на:ма, мактуб, ниша:н, ишша:, арзада:шт, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3)*.

**ИНША:** (<ар. *inṣa:*) - Алишер Навоий "Муниаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = *битиғ (3), мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, арзада:шт, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3)*.

**АРЗАДА:ШТ** (<ар.+форс. *arzada:št*) - Алишер Навоий "Муниаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = *битиғ (3), мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, ишша:, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3)*.

**ИНА:ЙАТ** (<ар. *ina:yat*) - Алишер Навоий "Муниаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = *битиғ (3), мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, ишша:, арзада:шт, ина:йатна:ма, хат (3)*.

**ИНА:ЙАТНА:МА** (<ар.+форс. *ina:yatna:ma*) - Алишер Навоий "Муниаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = *битиғ (3), мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, ишша:, арзада:шт, ина:йат, хат (3)*.

## Тамга ва белгилар

**ТАМГА ~ ТАМҚА** - Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри шундай аталган (МК, I.4000). "Сюан-цзан кечмиши" асарида бу сўз қатнашган мисол: *тамқалығ йарлығ тәғди* - муҳрли ёрлик теғди (СЦ, X.8).

□ = *муҳур; бэлгу (1), ниша:н (2)*.

**БЭЛГУ**. Бунинг маънолари: 1. Маҳмуд Қошғарийнинг изоҳига кўра бу сўз "белги, аломат, нишон" маъноларини англатган: *Кут бэлгуси билег* - Бахтнинг белгиси илм ва ақлдор (МК, I.403). Манбаларда ушбу сўз *бэлгу ниша:н* шаклида ҳам қўлланади.

2. *Бэлгу* атамаси "шахсий имзо"ни ҳам билдирган. Чунончи, "Қугадғу билег" асари уйғур ҳарfli ҳирот нуسخасининг 190-бетига - матнлар тугагандан кейин уйғур ҳарfliлари билан бир имзо қўйилган. Унинг остига эса араб хатида *бахшы бэлгуси* деб ёзиб қўйилибди. Ушбу имзо қўлёзманинг сўнгги бетларига матнлар илова қилган Абдулраззоқ бахшининг имзосидир (қаранг: Содиқов 1997, 58).

□ *бэлгу (1) = ниша:н (2), муҳур, тамқа ~ тамга*.

**МУХУР** (<ар. *muhur*) - муҳр, ҳужжатга урилган белги. Улар давлат муҳри ёки кишиларга тегишли бўлиши мумкин. Ўрта асрларда битилган хон мактублари, ёрликлар, гувоҳномалар ва бошқа расмий ҳужжатларга давлат муҳри босилар эди. Муҳрлар тенг ёки тўртбурчак, думалоқ шаклларда. Шахсий муҳрлар орасида бодом шакллилари ҳам учрайди. Хон муҳрларига, одатда, басма-ла, калима-и шаҳодат, пайғамбар ва саҳобаларнинг номи, шунингдек, хонларнинг ўз шiori, исми-шарифи ёзилган. Баъзи муҳрларга уларнинг тамғаси ҳам туширилган.

□ = *ниша:н (2), бэлгу (1), тамқа ~ тамга*.

**НИША:Н** (<форс. *niša:n*). Манбашуносликда ушбу сўз ҳам бир неча маънони англатади: 1. Белги, аломат, нишон. Айни ўринда *бэлгу ниша:н* шаклида ҳам қўлланади.

2. Мухр, ҳужжатга урилган белги. Турфондан топи-  
ган ҳуқуқий ҳужжатлар якунига муҳрлар босилган ва  
улар ҳужжат берувчи шахсга тааллуқли эканлиги қайд  
этиб борилган: *Бу ниша:н мэн Минг Тэмурнинг-ол* - Бу  
муҳр мен - Минг Темурниқидир; *Бу ниша:н мэнинг-ол* -  
Бу муҳр мениқидир (ДТС,359).

3. Гувоҳномани билдирган. Заҳириддин Бобурнинг  
отаси Умаршайхнинг марғилолик Мир Саид Аҳмад исм-  
ли кишига 1469 йили берган уйғур ёзувли гувоҳномаси  
матнда *ниша:н* деб аталган: *Мухурлуғ ни(ша:)н уй йыл  
шав(в)ал айыныңг йигирми сэкизи Андиганда битилди* -  
Муҳрли нишон сигир йили шаввал ойининг йигирма сак-  
кизи(да) Андижонда битилди (Содиқов 1997,88-89).

□ *ниша:н (2) = муҳур, бэлгу (1), тамқа ~тамға.*

## Туркий асарларда асл ҳолида қўлланадиган матнлар

НАМО (<анат. *namo*) - таъзим, эҳтиром. Бу шундай  
жумлада келади: *Намо бут. Намо драм. Намо санг*  
(<анат. *Namo buddhaya. Namо dharmaya. Namо sanghaya*  
- Буддага таъзим! Таълимотларга таъзим! Жамоага  
таъзим!) - Будда матилари ана шу формула билан  
бошланиб, шундай якунланган (масалан, қаранг:  
СЦ, V.87.19). Буддийликда уч нарса - будда, будда  
таълимотлари ва жамоа муқаддас саналгани боис,  
уларнинг бу эътиқоди дуоларида ҳам ўз ифодасини  
тошган. Қадимги турк буддийлар уни *уч эрдани ёки эрда-  
нилар* деб номлаганлар.

МАНАСТАР: Манастар хирз-а (<ўр. эрон. *Mnastar  
hirz-a*) - монавийларнинг илтижоси, "Гуноҳимни Ўзинг  
кечир" деган маънони англатади. Бу формула тавбаномал-  
ларда келади. Жумладан, "Хуастуанифт"нинг ҳар қайси  
бўлими ана шундай илтижо билан якунланган (қаранг:  
ДТС,336)

БАСМАЛА (<ар. *basmala*). Таомилга биноян, ислом  
даври асарлари Аллоҳ номи билан (*Би-сми-а-лаҳи-р-*

*раҳма:ни-р раҳим*) бошланади. Туркий тилдаги матнларда басмала, одатда, араб тилида келтирилади. Ҳатто уйғур ёзувли матнларда ҳам басмала араб тили ва араб хатида ёзилган. Масалан, "Қутадғу билиг"нинг уйғур ёзувли ҳирот кўлёмасида асар бошидаги басмала араб хатидадир.

**ҲАМДАЛА** (<ар. *hamdala*) - "Алҳамдулиллоҳ"нинг қисқача шакли, исми.

**САЛА:Т** (<ар. *sala:t*; кўплиги: *салава:т* <ар. *salava:t*). Ушбу атама асли "намоз" маъносини англатади. Шунингдек, *салава:т* дейилганда бутун дуолар ҳам тушунилади.

Ислом аҳкомларига биноан, пайғамбар номи тилга олинганда салавот айтилади. Бу анъана матншуносликда ҳам амал қилади. Туркий матнларда ҳам у, одатда, арабча шаклда келтирилган. Салавот тузилишига кўра икки хил: қисқа ёки кенгайган шаклда бўлиши мумкин.

**АСМА:** асма'у-л-ҳусна (<ар. *asma'u-l-husna*) - Аллоҳнинг гўзал исм ва сифатлари.

Ислом даври қабртошларида оятлар билан бирга асмау-л-ҳусна ҳам ёзилган. Қабртошнинг ҳажми, марҳумнинг кўзи тириклигида жамиятда тутган мавқега қараб улар 33, 66 ёки 99 исмдан иборат бўлган.

**КАЛИМА** (<ар. *kalima*) - сўз, калима.

◆ *Калима-и шаҳа:дат* - шаҳодат ифодасини англатган жумла: *Ашҳаду-ан ла: Ила:ҳа Иллалла:ҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан Абдуҳу ва Расулуҳ.*

*Калима-и тавҳид* - Тавҳид-и илоҳийни ифада этган жумла: *Ла:ила:ҳа иллаллаҳ, Муҳаммадун Расул-улла:ҳ.*

*Калима-и таййиба* - Аллоҳ ва Расулulloҳ каломи. Дуо, ниёз ва саловатлар.



Алишер Навоий "Ҳамсату-л-мутаҳаййирин" асарини беш бўлимга бўлиб, биринчисини *Муқаддима* деб номлади (қаранг: ХМ,8-13).

**ХА:ТИМА** (<ар. *hatima*) - асарнинг якуний қисми, хотимаси.

Алишер Навоий "Ҳамсату-л-мутаҳаййирин" асарининг якуний бўлимини *Ха:тима* деб атаган (қаранг: ХМ,8,60-72). Ёки "Қисаси Рабғузий" асарининг якунида шеърин хотима келади. Мазкур хотимага *Ха:тимату Қисаси ал-Рабғузи*: деб сарлавҳа қўйилган (ҚР,II.216).

Заҳриддин Бобур "Мубаййин" асарини беш бўлим (*кита:б*) га ажратади. Ҳар қайси бўлим якунида унинг хотимасини ҳам келтиради. Мазкур хотималарга *Кита:б ха:тимасы* деб сарлавҳалар қўйилган (қаранг: Мубай,26,96,109,121,166).

**МАЖЛИС** (<ар. *majlis*). Ушбу сўз асли "йиғин, тўшам" маъносини билдирган. Алишер Навоий ушбу атамани асар бўлими ўрнида ҳам қўллайди. Чунончи, у "Ма-жолису-н-нафоис" асарини саккиз бобга бўлади ва ҳар бирини *мажлис* деб атайдди: *аввалги мажлис, иккинчи мажлис, учунчи мажлис ...* ва б. (қаранг: МН,10-149).

**МАҚА:ЛАТ** (<ар. *maqalat*; *мақал* сўздан). Алишер Навоий ушбу атамани "асар бўлими, боби, фасли" маъносида ҳам қўллайди. Масалан, у "Ҳайрату-л-аброр" достонининг бўлимларини *мақалат* деб атаган: *учунчи мақалат, тўртунчи мақалат, бешинчи мақалат* ва б. Шунингдек, у Абдурахмон Жомийга аталган "Ҳамсату-л-мутаҳаййирин" асарини беш бўлимга ажратади. Дастлабкисини *Муқаддима*, якуний бўлимини *Ха:тима*, яқсодий уч бўлимнинг ҳар бирини *мақалат* номлади: *аввалги мақалат, иккинчи мақалат, учунчи мақалат* (қаранг: ХМ,8,13-60).

**ФАСЛ** (<ар. *fasl*) - рисола, илмий асарларнинг муайян мавзуга бағишланган бўлими, боби, фасли.

Алишер Навоий "Мезону-л-авзон" асарининг бўлимларини *фасл* деб атайдди (масалан: МА,150).

**МАТЛА'** (<ар. *matla'*) - ғазал ёки қасиданинг илк байти.

Алишер Навоий "Мажолису-н-нафоис"да адабиёт аҳллари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг машҳур шеърларидан байтлар келтиради. Ушбу мисоллар, кўпроқ, шеърларнинг матлаидир. Масалан, Мавлоно Атоий ҳақида ёзиб, *бу матла' аныңдур-ким* жумласи билан куйидаги байтни келтиради:

*Ул санам-ким сув қырғағында пари-дэг олтурур,*

*Ға:йати на:зуклуғидин сув билә йутса болур* (МН, 57).

Ёки Муҳаммад Али ҳақида маълумот берар экан, *бу туркчә матла' аныңдур-ким* деб куйидаги байтни келтиради:

*Дард-и ҳа:лымдын агар ға:фил, агар а:га:ҳ эсанг,*

*Ҳэч ғам йоқ гар мэнгә сэн дилбар-у дил ха:ҳ эсанг*

(МН, 60).

МАҚТА' (<ар. *maqta'*) - қасида ёки ғазалнинг сўнги, якуний байти.

Навоий "Муҳокамату-л-луғатайн"да *ҳай-ҳай йығламақ* сўзи қатнашган байтга мисол қилиб ўз шеърининг мақтаини келтиради. Мана Навоий қайд этган ўша шеър мақтаи:

*Нава:йи:, ул гул учун ҳай-ҳай йығлама кён,*

*Ки "ҳа" дэгунчә нз гулбун, нз ғунча, нз гул бар?*

(МН, 111).

МИСРА' (<ар. *misra'*) - шеър байтнинг сатри, қатори.

Алишер Навоий "Меъзону-л-авзон"да аруз баҳрларини баён этар экан, ўрни билан мисралардан мисол келтиради. Асарда уларни *мисра'* деб атайдн (қаранг: МА, 151-152).

ҚА:ФИЙА (<ар. *qa:fiya*) - қофия. Шеърин матида ҳижо ё сўзларнинг ўзаро оҳангдон бўлиб келиши.

Бадий жиҳатдан қофия шеър оҳангдорлигини таъминлайди, мисраларнинг ўзаро уйғунлашувига хизмат қилади. Матида қофияланувчи сўз муқом ўринга эга бўлиб, шеърин сатрининг бўлаги саналади. Шунинг учун ҳам қофияни матишунослик нуқтаи назаридан шеърининг бўлаги, қисми деб қараш мумкин.

Адабиётшунослигимизда *қа:фия* атамаси несбатан кечроқ қўллана бошлаган эса-да, туркий шеърятда мазкур ҳодисанинг тарихи жуда эски: назм яралибдики, қофия бор; шеърый нутқдаги ритм қофияни келтириб чиқарган. Фақат қофиянинг ўрни шеърят такомилда ҳар хил. Жумладан, қадимги турк моний, будда муҳитида яратилган шеърлар қофияси сатр якунида эмас, сатр бошида: қофияланувчи сўзларнинг биринчи бўғини оҳангдош бўлиб келади. Буни турк моний шеърятининг намояндаси Апринчур тигин шеърининг қуйидаги бандларида яхши кузатиш мумкин:

*Барайин тисәр бач амрақым*

*Бару йимә умаз-мән*

*Бағырсақым.*

*Кирәйин тисәр кичигкиәм*

*Киру йимә умаз-мән*

*Кин йыпар йыдығым.*

(Кетайин десам гўзал севгилим

кета олмайман,

меҳрибоним.

Кирайин десам кичиккинам

кира олмайман,

анбар мушк ҳидлигим) (Aragat 1991,4.4-5).

Сатр бошида келган сўзларнинг илк бўғинлари (*ба-ба-ба-; ки-ки-кин*) ўзаро оҳангдошдир.

Туркий шеърятда сатр якунидаги қофиянинг генезиси ҳам эски. Шеърятимизнинг энг қадимги даврларига мансуб қуйидаги парчанинг қофиясига эътибор берайлик. Мазкур шеърый парчани Маҳмуд Кошғарий ўзининг "Девону луғатит турк" китобида келтирган:

*Қыш йай билә тоқушты,*

*Қынгыр көзун бақышты.*

*Тутушқалы йақышты,*

*Утғалы-мат оғрашур.*

(Қиш ёз билан уришди,

бир-бирига қингир кўз-ла боқишди.

Бир-бирини тутиш учун яқинлашдилар,  
ҳар бири ютишни истади) (МК, I. 182).

Туркий шеърятнинг кейинги даврларида сатр боши-  
даги бош бўғин оҳангдошлиги принципи аста-секин ис-  
теъмождан чиқа борган, сатр якунидаги қофия эса етакчи  
мавқега кўтарилган.

*Қа:фийа* атамасини адабиётшуносликка оид асарларда  
учратиш мумкин. Алишер Навоий "Мажолису-н-  
нафоис"да Мавлоно Атоий ҳақида маълумот берар экан,  
унинг шеърятидан ушбу матлани мисол келтиради:

*Ул санам-ким сув қырғағинда пари-дэг олтурур,*

*Ға:йати назуклугидин сув билә йутса болур.*

Навоий мазкур шеърга баҳо бериб, *қа:фийасыда  
айбғинасы бар* деб кўшиб кўяди (МН, 57).

РАДИФ (<ар. *radif*) - классик шеърятда мисралар  
оша қофиядан кейинги такрорланувчи бўлак.

Радиф ҳам матншунослик нуқтан назаридан қофия  
каби шеърый сатрнинг бир бўлаги бўлиб, матида муқум  
жойига эга. Шу биле уни ҳам шеърый мати қисми, бўлаги  
сифатида қараш мумкин.

*Радиф* атамаси ўрта асрларнинг адабиётшунослик асар-  
ларида учрайди. Навоий "Мажолису-н-нафоис"да Хусайн  
Бойқаро (=Абулғози Султон Хусайн Баҳодирхон) ижоди  
хусусида баҳс юритар экан, унинг *ёзгачә* радифли учта  
шеърини ёдга олиб, "*ёзгачә*" лафзы радиф қылып,  
*қа:фийалары ҳар қайсының ёзгачә ва:қи* болуптур деб  
таъкидлайди. Шу жойда учала шеърнинг матлаини ҳам ми-  
сол келтиради. Навоий келтирган биринчи матла мана бу:

*Ғам йэли айшым бина:сын қылды вайра:н ёзгачә,*

*Хуш-у сабрым мулкени йэр бирлә йаксан ёзгачә*  
(МН, 143).

СӨЗ - сўз, калима.

□ = лафз.

ЛАФЗ (<ар. *lafz*) - сўз, лафз.

Алишер Навоий бу калимани айни маънода қўллайди  
(масалан, қаранг: МЛ, 108).

□ = сўз.

**УЖУК~УЖИК~УЗИК.** Мазкур атаманинг маънолари: 1. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, бу сўз "бўғин, ҳижо" маъносини аниқлаётган: *битиге ужуклади* - ҳарфларни ва китобни ҳижжалади.

2. Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидича, ҳижо ҳарфларининг ҳар бирига ҳам *ужук* деганлар: *Бу не ужук-ол?* - Бу қандай ҳарф? (МК, I.101).

Британ музейида сақланаётган Ог.8212(108) сонли уйғур ёзувли мажмуанинг 47-51-бетларида уйғур алифбосининг сирасига бағишланган шеър ўрин олган. Мазкур шеърда алифбо тизимидаги ҳар бир ҳарф *узик* деб номланган (қаранг: Агаф 1991, 11).

3. Ушбу атама "ёзув, хат" маъносида ҳам қўлланган. Масалан, "Сюань-цзан кечмиши" асарида Удун эли, унинг деҳқончилиги, ҳунармандчилиги, маданияти, диний эътиқоди ҳақида маълумот берилар экан, ёзуви хусусида ҳам қайд этилади. Унда ёзувни *ужик* дейилган. Мана ўша маълумот: *Ики битиги: ырақта әнәткәк ужикин ағырлайурлар, йағукта өз ужикләрин тутар. өз ужикләри йәмә әнәткәкчәсиг өк әрин ынча йана анча қйа тәғшилур* - Икки ёзуви бор: ироқда [яъни мамлакат ташқарисида] улар анаткак [санскрит] ёзувини қадрлайдилар; яқинда [яъни юрт ичида] ўз ёзувларини қўллайдилар. Ўз ёзувлари анаткакчадан олинган эса-да, ундан бирқадар фарқланади (СЦ, V.64, 7-12).

4. *Ужик* атамаси "матн" маъносини ҳам аниқлатади: *анта (алту)и мкә узә битиглиги ... (шм)и луи шастрадақы ужик* - Унда олтин сиёҳ билан ёзилган Ин-мин-луи шастарининг матнидир (СЦ, VIII.8, 24-26).

**ҲАРФ** (<ар. *harf*) 1. Нутқ товушини ифодаловчи ёзув белгиси. Матншунослик нуқтаи назаридан ҳарф матннинг энг кичик бирлиги саналди. Алишер Навоий ушбу атама-ни айни ёзув белгиси маъносида қўллаган (қаранг: МЛ, 117).

2. Шарқ тилшунослигида *ҳарф* атамаси "товуш, сас" маъносида ҳам қўлланган (қаранг: МА, 138). Масалан, "Мезону-л-авзон"да Навоий шеър тузилиши хусусида

фикр юритиб, "ҳар ҳарф-ки лифзда кэлгәй, агарчи кита:батда болмағий, тақти'да ҳиса:бға киргәй" деб ёзади (МА,150). Ушбу жумладаги ҳарф атамаси "сас"ни билдирмоқда.

Туркийдаги тил орқа ёки чўзиқ унлиларни ҳам Навоий ҳарф атайди (бунда ушбу товушларнинг ёзувда ифодаланиши назарда тутилади). У ёзади: *Йана туркчә алфа:здур-ким, анда алиф ва ва:в ва йа: фатҳа ва замма ва касра ҳаракати орныға битилур-ки, бу ҳэч маҳалда ҳарф ҳиса:биға кирмәс, балки ҳаракат орныға-дурур* (МА,152-153). Мазкур жумлада ҳарф атамаси чўзиқ унлиларга, ҳаракат атамаси эса қисқа унлиларга нисбатан қўлланган.

**ҲАРАКАТ** (<ар. *harakat*) - арабча, форсча сўзларда қисқа унлиларни, туркча сўзларда эса қисқа ё тил олди (баъзан тил орқа) унлиларини, шунингдек, қўшалоқ ундошни, ёпиқ бўғини ва бошқа фонологик ҳодисаларни ифодалаш учун араб хатида қўлланган ишоратлар. Навоийнинг мазкур жумлалари бунга яхши мисол бўла олади: *Йана туркчә алфа:здур-ким, анда алиф ва ва:в ва йа: фатҳа ва замма ва касри ҳаракати орныға битилур-ки, бу ҳэч маҳалда ҳарф ҳиса:биға кирмәс, балки ҳаракат орныға-дурур* (МА,152-153). Мазкур жумлада ҳаракат атамаси қисқа унлиларни аниқламоқда.

Ҳаракатлар қуйидагилардир: *фатҳа* (с), *касра* (у), *замма* (>), *мадд* (.), *ташдид* (ы), *сукуп* (э), *кәсиви* (с т у) ва б. Ҳарф сингари ҳаракатларни ҳам матннинг кичик бирлиги санаш мумкин.



◆ Хужжатнинг асл нусхаси *онг битиг*, унинг ўрнига берилган тилхат эса *бучунг битиг* дейилган (ДТС,119).

□ = *чув*.

БӘЛГУ. 1) белги, аломат, нишон (МК, I.403). Манбаларда ушбу сўз *бэлгу ниша:н* шаклида ҳам қўлланади.

2) шахсий имзо.

□ *бэлгу (1) = ниша:н (2), мухур, тамқа ~ тамға*.

## В

ВАҚФИЙА (ар. *vaqfiya*) - вақф хужжати.

## Д

ДА:СТА:Н (<форс. *da:sta:n*) - йирик ҳажмли шеърӣ-эпик асар (Х.220, 294; ХМ,49; ЛТ,242).

□ = *улуғ йыр*. Қаранг: *йыр ~ ыр*.

ДИ:ВА:Н (<форс. *di:va:n*). Шоир шеърларининг муайян тартибда берилган тўплами (қаранг: Сак,21-26,90; МЛ,119-120; МЛ,130).

ДУ БАЙТИ: (<форс.+ар. *du bayti* "икки байт") - рубоӣнинг бошқа бир номи (МА,157).

□ = *руба:’и; тара:на*.

ДУРУД (<форс. *durud*) - мадҳ, салом. Пайгамбар мадҳи шу ном билан юритилган (ЮГВ,5).

## З

ЗАБУР - муқаддас китоблардан бири (қаранг: Мубай,14).

## Ы

ЫРҚ БИТИГ - таъбирнома, фолнома (ИБ,65).

## И

ИНА:ЙАТ (<ар. *ina:yat*) - Алишер Навоӣ "Муншаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = *битиг (3), мактуб, на:ма, руқ’а, ниша:н, иша:, арзада:шт, ина:йатна:ма, хат (3)*.

**ИНА:ЙАТНА:МА** (<ар.+форс. *ina:yatna:ma*) - Алишер Навоий "Муншаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = битиг (3), мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, инаша:, арзада:шт, ина:йат, хат (3).

**ИНЖИЛ** - тўрт буюк китобдан бири (қаранг: Мубай,14).

**ИНША:** (<ар. *inşa:*) - Алишер Навоий "Муншаот"га кирган айрим мактубларини шундай атаган.

□ = битиг (3), мактуб, на:ма, руқ'а, ниша:н, арзада:шт, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3).

## Й

**ЙАРЛЫҚ~ЙАРЛЫҒ~ЖАРЛЫҒ~ЖАРЛУҒ** - ёрлик, хош, бекларнинг фармонлари, расмий хужжат (МК,III,49).

**ЙЫР~ЫР** - йир, қушиқ, ашула (МК,II.22; III.144; СЦ,VI.5).

◆ улуг йыр - йирик шеърий асар - "достон". Қаранг: да:ста:н.

**ЙОРУҒ.** Бу сўз қадимги туркийда "шарҳ, асар мазмуни, тафсилот" маъноларини англатган (СЦ,V.12; МК,III.25,26; ҚБВ,2166).

◆ йоруе битиг. Ушбу атама йоруе битиг шаклида ҳам қўлланиб, "шарҳ, китоб" маъносини билдирган. (СЦ,VIII.7).

**ЙУКУНЧ** - турк будда нўм битигларининг илк, буддага бағишлов, топинув бўлими.

## К

**КАВИ** (<анат. *kavua*) - эпос, достон, эпик асар (СЦ,V.87).

**КАЛИМА** (<ар. *kalima*) - сўз, калима.

◆ Калима-и шаҳа:дат - шаҳодат ифодасини англатган жумла: Ашҳаду-ан ла: Ила:ҳа Йллалла:ҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан Абдуҳу ва Расулуҳ.

**Калима-и тавҳид** - Тавҳид-и илоҳийни ифада этган жумла: Ла:ила:ҳа иллаллаҳ, Муҳаммадун Расул-улли:ҳ.

**Калима-и таййиба** - Аллоҳ ва Расулуллоҳ каломи. Дуо, ниёз ва саловатлар.

**КА:ФИЙА** (<ар. *ka:fiya*). Араб тилини ўрганиш учун тузилган кўлланмалар шундай аталган.

**КАРАНТ** (<анат. *grantha*) - шеър тури (СЦ, V.57).

**КАЛА:М** (<ар. *Kala:m*) - Куръон-и Карим манбаларда шу ном билан ҳам аталган (ТАҲ, 199).

◆ **Кала:му-л-ла:ҳ** - Аллоҳнинг каломи, Қуръон-и Карим.

□ = **Қур'а:и; Фурқа:и.**

**КИТА:Б** (<ар. *kita:b*) - китоб, асар (ҚБ, 344; СҚ, 1296).

**Кита:б** сўзи, баъзан, "асарнинг бўлими, боби"ни ҳам билдирган (қаранг: Мубай.).

□ = **битиғ (2).**

**КОГ~КУГ.** (Чоғиштиринг: хитой. *khuog*). 1) шеър, шеър тури, шеърый ўлчов, назм (МЛ, 174-175; ДДТ, 369); 2) куй, оҳанг (МК, III.144).

**КУЛЛИЙА:Т** (<ар. *kulliya:t*) - куллиёт.

## Л

**ЛАТИФА** (<ар. *latifa*) - кичик ҳикоя, латифа (ҚР, I.117, 127).

**ЛАФЗ** (<ар. *lafz*) - сўз, лафз (МЛ, 108).

□ = **сўз.**

**ЛУҒАЗ** (<ар. *luğaz*) - жумбоқ, чистон, топишмоқ (Девон, 2346; АД, 301).

**ЛУҒА:Т** (<ар. *luğa:t*) - луғатлар, калималар. Луғат китоблари ҳам шу ном билан аталган.

## М

**МАВА'ИЗ~МУВА'ИЗ** (<ар. *mavi'za; kўплиги: mava'izi*) - панду насиҳат, ўгут.

◆ **мава'из масал** (ЮгС, 45).

□ = saw (5); eöz (3); awučtı eözi, kэчки eöz, qumarу eöz - қаранг: eöz (3).

**МАДХ** (<ар. *madh* "мақтов" дегани) - мадх, мақтов (ҚР, I.10).

□ = қасида.

**МАЖЛИС** (<ар. *majlis*). Ушбу сўз асли "йигин, тўшлам" маъносини билдирган. Алишер Навоий ушбу атамани асар бўлими ўрнида ҳам қўллайди (қаранг: МН, 10-149).

**МАЖМУ'А** (< ар. *majma'a*) - мажмуа.

◆ мажму'а-и аш'ар - шеърлар тўплами.

мажму'а-и ҳикойа:т - ҳикоятлар тўплами.

**МАКТУВ** (<ар. *maktab*; кўплиги: мака:тиб <ар. *maktab*) - мактуб, хат.

□ = битие (3), на:ма, руқ'а, ниша:н, иша:, арза-даиш:т, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3).

**МАНАСТАР**: Манастар хирз-а (<ўр. эрон. *Mnastar hira-a*) - монахийларнинг илтижоси, "Туноҳимни Ўзинг кечир" деган маънони англатади (ДТС, 336)

**МАНАҚИБ** (<ар. *manaqib*) - бирор шахснинг ҳаёти ва фиолийати ҳақида ҳикоя қилувчи автобиографик асар.

**МАНЗУМА** (<ар. *manzuma*) - шеърлар тўплами.

Қаранг: назм.

**МАРСИЙА** (<ар. *marsiya*) - бирор шахс ўлими муносабати билан тўқилган шеърый бағишлов (МН, 143).

**МАСАЛ** (<ар. *masal*; кўплиги: амса:л <ар. *amsal*) - мақол, ҳикматли сўз (ҚВ, 270; ҚВВ, 186; ЮГА, 82).

◆ маса'из масал - қаранг: маса'из.

зарбу-л-масал - мақол.

□ = saw (5); eöz (3); awučtı eözi, kэчки eöz, qumarу eöz - қаранг: eöz (3).

**МАСНАВИ**: (<ар. *masnavi*). Ушбу атама арузда битилиб, жуфт мисралари ўзаро қофияланиб борувчи асарни билдиради. (МЛ, 112; Девон, 2046; МН, 56, 133; ВН, 153).

Ö

ÖГДИ~ÖГДУ - мақтов; мадҳ, бағишлов (ҚБВ,16а; ҚБ,1; ҚБА,10,12).

◆ Матиларда ҳамд-у öгди, ҳамд-у сзпас-у мицнат-у öгди шаклларида ҳам қўлланган. Қаранг: ҳамд.

ÖДИК - хотира, эсдалик (СЦ,VI.25).

ÖТ - ўгут, насиҳат (МК,І.82).

◆ öт билиг - таълимот (ДТС,391). öт атамаси öт сав, öт сав ириг шаклида ҳам қўлланган (ҚБВ, 2106).

Ушбу сўз öт сав шаклида ҳам қўлланиб, "панду насиҳат" маъносини беради (ҚБ,134).

ÖТУГ. Қадимги туркийда "илтимос, ўтинч" маъносини англатган (МК,І.208).

◆ öтуг битиг - илтимоснома (СЦ,VI.22).

Р

РАДИФ (<ар. *radif*) - классик шеърятда мисралар оша қофиядан кейинги такрорланувчи бўлак.

РИВА:ЙАТ (<ар. *riva:yat*) - ривоят (ҚР,І.31, 107).

РИСА:ЛА (<ар. *risala*; кўплиги: *rasa:'ul* <ар. *rasa'il*) - илмий асарлар шу ном билан аталган (МЛ,132; НМ,185).

Мактублар ҳам баъзан *rasa'ul* деб ҳам аталган (МЛ,121).

РУБА:’И: (<ар. *rubā:'i*; кўплиги: *rubā:'iyya:t* <ар. *rubā:'iyya:t*). Арузда ёзилган, муайян қофияга эга бўлган тўртлик (МА,157-160; МЛ,129; МН,9,64).

Шеърый девонларда рубойлар мажмуи *rubā:'iyya:t* деб номланган (Девон, 2186).

□ = ду байти;; тара:на.

РУБА:’ИЙА:Т (<ар. *rubā:'iyya:t*) - рубойлар тўплами.

Қаранг: *rubā:'i*.

РУҚ’А (<ар. *ruq'a*) - мактуб, хат.

□ = битиг (3), на:ма, мактуб, ниша:н, инша:, арза-да:ит, ина:йат, ина:йатна:ма, хат (3).

**САБ~САВ.** Мазкур сўзнинг маъноси бир қанча. 1. "Сўз; гап" маъносини билдиради: Тўн,12. 2. Нутқ, мурожаат; ёрлик. (Х,1; Ха,13). 3. "Хабар" маъносини англатган: (МК,1.122). 4. Овоза, довруғ: (МК,1.315). 5. "Мақол" маъносини билдирган (МК,III.168). 6. "Рисола"ни билдирган (МК,III.168). 7. "Ҳикоя; қисса"ни ҳам англатган (МК,III.168).

□ *сав* (5) = *масал~амсал*; *сўз* (3): *аъычга сўзи*; *мава'из~мува'из*; *мава'из масал*.

**САЛА:Т** (<ар. *salat*; кўплиги: *салава:т* <ар. *salava:t*). Ушбу аътама ясли "намоз" маъносини англатади. Шунингдек, *салава:т* дейилганда бутун дуолар ҳам тушунилади.

**САРФ-У НАҲВ** (<ар. *sarf-u nahv*). Грамматика китоби. Вундай китобларни *'илм-и наҳв* ҳам дейилган.

**СЌЗ.** 1. Сўз, лафз, тилнинг муайян тушунча англатувчи бирлиги. 2. Гап, фикр англатувчи бирлик: (ҚБВ,136).

3. Ҳикмат, панд-насиҳат: (ҲХ,235; ҚБВ,14а).

Матиларда бу сўз *аъычга сўзи* (қария сўзи), *кэчки сўз* (эски таъбир), *қумару сўз* (ёдгорлик сўз) шаклларида ҳам қўлланиб, "ҳикмат, мақол, оталар сўзи" маъносини билдиради (ДТС,70; ҚБВ,11а).

4. Урта аср ёрликларида, хон мактубларининг унвони (бошлямаси)да мазкур сўз "ёрлик, мурожаат, фармон" маъноларини билдирган (Содиқов 1997,85-86; 87-90- б.).

5. Муайян матини англатган (қарақ: ТЭЕ,136,144).

**СУРА** (ар. *sura*) - Қуръон-и Карим бўлимлари.

**СУТУР~СУДУР** (<анат. *sutra*) - сутра, будда қиссалари, ҳикоятлари (СЦ,У.38).

**СУУ** (<хитой. *suu*): *суу башлағ* - асар муқаддимаси (СЦ,VI.33.13).

**ТАВРА:Т~ТАВРИТ** - муқаддас китоблардан бири (Қаранг: Мубай,14; СК,3а-3б).

**ТАЖНИС** = *туйуқ~туйуғ*.

**ТАЗКИРА** (<ар. *tazkira*) - тазкира.



**ТАМФА~ТАМҚА** - шеҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри шундай аталган (МК, I.4000; СЦ, X.8).

□ = муҳур; бэлгу (1), ниша:н (2).

**ТАРА:НА** (<ар. *tara:na* "нағма" сўзидан). Туртала мисраси қофиядош рубойи (МЛ, 157).

□ = руба'и; ду байти.

**ТАРЖИ:'БАНД** (<ар. *tarji'band*) - аруз шеър тури (Девон, 1996).

**ТАРИХ** (<ар. *tarih*; кўплиги: *taava:rix* <ар. *tava:rih*) - тарих китоби. Ўрта асрлар тарихнавислигида тарих китоблари шу ном билан аталган.

*Тарих* атамаси матнларда сана(йил, ой, кун)ни ҳам билдирган. Муайян воқеалар, кўлөзма ё асар битилган, ёзиб тугалланган сана *тарих* деб қайд этилган.

*Тарих* атамаси шеърини санъат(муаммонинг бир тури)ни ҳам англатади (қаранг: АД, 293-294).

**ТАРХАНИ:** - кўшиқнинг бир тури (Мухтасар, 155).

**ТАФСИР** (<ар. *tafsir*). Қурон-и Карим сураларининг шарҳи шундай аталган.

**ТАШ** - ёдгорлик, мангутош.

Бу сўз, баъзан, "битигтош, ёдгорлик"ни ҳам билдирган (Е, 48).

◆ *таш балбал*. Қаранг: *балбал*.

*бāнгу таш*. Қаранг: *бāнгу*.

**ТАҚШУТ~ТАҒШУТ** - шеър, назм, байт, манзума (Агат 1991, 186).

◆ Манбаларда ушбу атама *тағшут шлок*, *шлок талшут*, *куг тағшут* шаклларида ҳам қўлланиб, "назм, шеъринг" маносини ифода этган (СЦ, V.6).

**ТАҒЗИНЧ**. 1. Ушбу атама асли ўрам шаклидаги будда матнларини билдирган. 2. Нўм битигларнинг бўлимлари ҳам баъзан шундай аталган (СЦ, VI.1).

□ *тағзинч* (2) = *улуш*, *бāлуг~бāлук*.

**ТУЙУҚ~ТУЙУҒ**. (МА, 179; МЛ, 113; Мухтасар, 162-163; Девон, 240б.).

□ = *тажнис*.

**ТУРҒИ:** - кўшиқнинг тури (МА, 181; Мухтасар, 155).

## У

**УЖУК~УЖИК~УЗИК.** 1) бўгин, ҳижо. 2) ҳарф (МК, I, 101). 3) ёзув, хат (СЦ, V, 64, 7-12). 4) матн (СЦ, VIII, 8, 24-26).

**УЛУШ** - асар бўлими, боби (СЦ, V, 87).

□ = бўлуғ~бўлук, тўғзинч (2).

**УРЖУЗА** (<ар. *urjuza*). Илмий мавзудаги шеърый асар шу ном билан юритилган.

## Ф

**ФАРД** (<ар. *fard*; кўплиги: *муфрида:т* <ар. *mufrida:t*) - иккилик шаклидаги шеър тури (Девон, 242а).

**ФАРДИЙА:Т~МУФРАДА:Т** (<ар. *fardiya:t ~ mufrada:t*) - фардлар тўплами. Девонларга кирган фардлар *муфрида:т* деб аталган (масалан, қаранг: АД, 307).

Қаранг: *фард*.

**ФАСЛ** (<ар. *fasl*) - рисола, илмий асарларнинг муайян мавзуга бағишланган бўлими, боби, фасли (МА, 150).

**ФИХРАСТ~ФИХРИСТ** (<ар. *fihrist*). 1) библиографик кўрсаткич ёки асарлар каталоги. 2) мундарижа, боб сарлавҳалари.

**ФУРҚА:Н** - Қуръон-и Карим 25- сурасининг номи; Қуръон шу ном билан ҳам аталган (Мубай, 14).

□ = *Қур'ани, Қала:м.*

## Х

**ХАМСА** (<ар. *hamza*) - бешлик. Шарқ адабиётшунослигида беш мустақил дostonни бирлаштирган тўплам шундай аталган.

**ХАТ** (<ар. *hat*; кўплиги: *хутут* <ар. *hutu:t*) - 1) хат, ёзув, матн: (ҚВВ, 101а); 2) ёзув тури: (ДТ, 278; ВН, 132); 3) мактуб: (ҚБ, 3854).

◆ *хатт-и хума:йун* - подшоҳнинг кўлёмаси, подшоҳнинг амри.

**ҒАЗАЛ** (<ар. *ğazal*; кўплиги *ғазалийа:т* <ар. *ğazaliya:t*) - мумтоз адабиётда кенг тарқалган лирик шеър тури (Муҳ.н., 21; ТҒЁ, 137-142; ҚР, I.122, 126).

Шеърый девонларда ғазаллар *ғазалийа:т* деб юритилган (Девон, 156).

**ҒАЗАЛИЙА:Т** (<ар. *ğazaliya:t*) - бир ёки бир қанча муаллиф ғазалларини жамлаган китоб. Девонлар таркибига кирган ғазаллар ҳам *ғазалийа:т* деб аталган (қаранг: АД, 119).

Қаранг: *ғазал*.

**ҲАДИС** (<ар. *hadis*) - ҳадис, ҳар сўзланганда янги хабар янглиғ тингланмоққа лойиқ, Расул алайҳис-саломнинг сўз-ўғутлари, амри. Суннат-и Набавиййа. Ҳадисдан баҳс этган илм (ҚР, I.144, 163).

◆ *ҳадис-и қудси* - маъноси пайғамбаримизга ваҳий бўлган ёки илҳом этилган қудсий калом.

*ҳадис-и мурсал* - пайғамбаримизнинг ўз оғизларидан эшитилгани билдирилган Ҳадис-и шариф.

*ҳадис-и саҳиҳ* - шубҳа остига олинмаган Ҳадис-и набавий.

**ҲАМД** (<ар. *hamd*) - тангрига бағишлов, мадҳ (ЮС, I; ЛТ, 5).

◆ Матнларда *ҳамд-у оғди* шаклида ҳам қўлланган.

*ҳамд-у сана:* - Аллоҳга аталган ҳамду сано.

**ҲАМДАЛА** (<ар. *hamdala*) - "Алҳамдулиллоҳ"нинг қисқача шакли, исми.

**ҲАРАКАТ** (<ар. *harakat*) - арабча, форсча сўзларда қисқа унлиларни, туркча сўзларда эса қисқа ё тил олди (баъзан тил орқа) унлиларини, шунингдек, қўшалок ундовини, ёпиқ бўгин ва бошқа фонологик ҳодисаларни ифодалаш учун араб хатида қўлланган ишоратлар.

**ҲАРФ** (<ар. *harf*) 1) пуққ товушини ифодаловчи ёзув белгиси (қаранг: МЛ,117). 2) товуш, сас (қаранг: МА,138).

**ҲИКМАТ** (<ар. *hikmat*) - панду насиҳат мазмунли асар.

**ҲИКАЯТ** (<ар. *hika:yat*) - ҳикоят, қисса (ҚР, I.34; ЛТ,39,41,44,45).

## ШАРТЛИ ҚИСКАРТМАЛАР

*анат.* - анаткакча (санскритча)

*ар.* - арабча

*турк.* - туркча

*форс.* - форсча

*хитой.* - хитойча

*ўзб.* - ўзбекча

*ўр. эрон.* - ўртагча эроний

## ИШОРА ЭТИЛГАН АСАРЛАР РҲЙХАТИ

Қаранг: *итт.*

### Маибаалар

*Абулғозий 1992* - Абулғозий. Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар Қ. Муниров ва Қ. Маҳмудов. Тошкент, 1992.

*Абулғозий 1995* - Абулғозий. Шажарайи таровима. Нашрга тайёрловчи Қ. Маҳмудов. Тошкент, 1995.

*БН* - Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989.

*Девон* - 'Алишир Нава'и. Диван. Издание текста, предисловие и указатели Л.В. Дмитриевой. М., 1964.

*ДТС* - Древнетюркский словарь. Л., 1969.

*Е* - Енисей битиглари. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. М.-Л., 1952.

*ИБ* - Ырқ бітігі. - Ғ. Айдаров. Орхон ескерткіштерінің тексі. Алматы, 1990. 146-169- б.

*КТ* - Кул тигин битиги: КТк - кичик битиг, Кту - улуг битиг.

*ЛТ* - Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Асарлар. 11-том. Тошкент, 1966.

*МА* - Алишер Навоий. Мезонул-авзон. Асарлар. 14-том. Тошкент, 1967. 133-182- б.

*МасК* - "Масъала китоби". Британ музейида сақланаётган Оғ.8193 рақамли уйғур ёзувида битилган қўлёзма таркибида.

**МК** - Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I-III. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Тошкент, 1960-1963.

**МЛ** - Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Асарлар, 14- том. Тошкент, 1967.

**МН** - Алишер Навоий. Мажолисун нафоес. Танланган асарлар. III том. Тошкент, 1948. 5-169- б.

**Мубий** - Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. Нашрга тайёрловчилар: С. Ҳасан ва Қ. Ҳасан. Т., 2000.

**Мухтасар** - Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С. Ҳасан. Тошкент, 1971.

**Мух.н.** - Хоразмий. Муҳаббатнома китоби. -ТББ, 118-135- б.

**НМ** - Алишер Навоий. Насонмул-муҳаббат. Асарлар. 15- том. Тошкент, 1968. 63-186- б.

**РҚ** - "Роҳату-л-қулуб" асари. Британ музейида сақланаётган Оғ.8193 рақамли уйғур ёзувида битилган қўлёзма таркибида.

**СЦ** - Тугушева Л.Ю. Уйғурская версия биографии Сюань-цзая. М., 1991.

**СҚ** - "Сирожу-л-қулуб" асари. Британ музейида сақланаётган Оғ.8193 рақамли уйғур ёзувида битилган қўлёзма таркибида.

**СҲА** - Алишер Навоий. Қолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Асарлар. 14- том. Тошкент, 1967. 73-86- б.

**Таф.** - Туркий тафсир (XII-XIII аср). Нашрга тайёрловчи Қ. Маҳмудов. Тошкент, 2000.

**ТАХ** - Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар, 15- том. Тошкент, 1968. 187-242- б.

**ТББ** - XI-XV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлари. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Маҳмудов, Қ. Солиқов. Тошкент, 1994.

**Х** - Билса хоқон битиги: Ха, Хб - тошнинг юз томонидаги ёзувлар.

**ХМ** - Алишер Навоий. Хамсатул-мутаҳаййирин. Асарлар. 14- том. Тошкент, 1967. 5-72- б.



**ҚБ** - Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. Тошкент, 1971.

**ҚБА** - "Кутадғу билиг"нинг уйғур ёзувли А нусхаси: Радлов В. Кудатку-Билик. Факсимиле уйғурской рукописи. СПб., 1890.

**ҚБВ** - "Кутадғу билиг"нинг араб ёзувли наманган (фарғона) нусхаси: ЎзФА Шарқшунослик институти, 1809 рақамли күлёзма.

**ҚР** - Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. I-II. Нашрга тайёрловчилар: Э. Фозилов, А. Юнусов, Ҳ. Дадабоев. Тошкент, 1990-1991.

**ҚҲ** - Аҳмад Югнакий. Атабатул-ҳақоийқ китоби. -ТББ, 45-95- б.

**АД** - Ahmet Paşa divanı. Hazırlayan Ali Nihat Tarlan. Ankara, 1992.

**Арат 1991** - R.R.Arat. Eski türk şiiri. 3. baskı. Ankara, 1991.

**DDT** - Dictionnaire Djaghatal-turc. Publie par V. De Veliaminof-Zernof. Saint-Petersbourg, 1869.

**МА** - Ali-şir Nevayî. Mizanu'l-evzan. Hazırlayan: Prof. Dr. Kemal Eraslan. Ankara, 1993.

**ML** - 'Alişir Nevayî. Muhakemeti'l-luğatayn. Hazırlayan: F. Sema Barutzu Özönder. Ankara, 1966.

**Сак.** - Mevlana Sekkaki divanı. Hazırlayan Kemal Eraslan. Ankara 1999.

**Юз** - Edib Ahmed B. Mahmud Yükeki. Atebetu'l-hakayıq. Reşid Rahmeti Arat. Ankara, 1992 (А - асарнинг уйғур ёзувли А нусхаси; В - асарнинг уйғур ва араб ёзувли В нусхаси; С - асарнинг араб ёзувли С нусхаси).

#### Илмий асарлар

**Грунина 1967** - Документы на половенском языке XVI в. (Судебные акты каменец-подольской армянской общины). Транскрипция, перевод, предисловие, введение, грамматический комментарий и глоссарий Т.И. Грунина. М., 1967.

*Исхақов 1989* - Сугд ёзувининг шаклланиши ва тарраққиёти.-Ўлмас обидалар. Тошкент, 1989.

*Исхақов 1992* - Исхақов М. Палеографическое изучение согдийских письменных памятников. Автореферат докторской диссертации. Ташкент, 1992.

*Радлов 1888* - Радлов В. Ярлыки Токтамыша и Темур-Кутлуга. «Записки Восточного отделения. Т. III. СПб., 1888. С. 1-40.

*Содиқов 1997* - Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи. Т., 1997.

*Kurat 1940* - Kurat A.N. Topkapı Sarayı Müzesi arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan hanlarına ait Yarlık ve bitkiler. İstanbul, 1940.

*Sertkaya 1975* - Sertkaya O.F. Uygur harfleriyle yazılmış bazı manzum parçalar. İstanbul, 1975.

*Sertkaya 1977* - Sertkaya O.F. İslamı devrenin uygur harfli eserlerine toplu bir bakış. Bochum, 1977.

*Sertkaya 1995* - Sertkaya O.F. Göktürk tarihinin meseleleri. Ankara, 1995.

*Orhun* - Moğolistan tarihi eserleri atlası. Ankara, 1995.

